


K 43/1  
T 85

ЎЗБЕК ХАЛҚ ФАНТАСТИКАСИ



Ўзбек  
Халқ

Ўзбек Халқ Фантастикаси



## ГУЛИҚАҲҚАҲ

Эртагиё эртаги, эчкиларнинг бўртаги. Қирғовул қизил экан, қуйруғи узун экан, ғоз карнайчи экан, ўрдак сурнайчи экан, олақарға азончи экан, қора қарға қозончи экан, чумчуқ чақимчи, тўрғай қақимчи экан, бўри баковул, тулки ясовул экан. Эртагимнинг эри бор, етти кунлик ери бор, етти кунлик ерида думи калта бўри бор. Бир бор экан, бир йўқ экан, бири ёлғону бири чин экан.

Қадим-қадим замонда бир бой ёшини яшаб, ошини ошаб ўтган экан. Шу бой жуда ҳам бой экан, бой бўлсаям бир ботқоқда ачиб қолган лой экан, сира сув ўтмаган сой экан, биров минмаган той экан, ёмғир ёқанда булутнинг орасида қолган ой экан, қозонга солса доғ бўлмаган мой экан. Манзили — кийгиз-кўрпаси йўқ, одам етмаган жой экан, биров ичгиси келмаган чой экан, ўзи гердайган ғоз, бевақт қичқирган хўроз экан. Боши хумдай, ўзи тўйга боқилган сўқимдай экан. Ана шундай донғи кетган бойнинг бир ўғли бўлиб, отасига сира ўхшамас экан. Отаси қаттиқ бўлса, у очиқ қўл, отаси баджаҳл бўлса, у раҳмдил, мулоим бўлиб ўсибди. Бундан отаси хафа бўлиб: «Бу меннинг шунча йиллар емай-ичмай топган молимни мендан кейин талон-тарож қилиб юборади, менга ўхшамади»,— деб хафа бўлар, уни доим койиб уришар экан. Аммо эл-юрт: «Бола отасига ўхшамади. Яхши бола бўлди», — дея ундан мамнун экан. Боланинг оти Ваҳобжон бўлиб, жуда ақлли, доно экан. Қулардан бир куни отаси бой, «савдога олиб бориб, савдо-сотикни кўрсатсам, зора менга ўхшаса», деб уни, бошқа одамларини эргаштириб савдога жўнабди. Шундай қилиб, йўл юришибди, йўл юришса ҳам мўл юришибди. Бир маҳал олдиларидан каттакон сой чиқибди. Савдогар «бирон-бир жойда сув бўлса керак. Ўзимиз ҳам, отларимиз ҳам чанқади. Сув топсак ўзимиз ҳам, отла-

римиз ҳам ичади. Кейин йўлга чиқармиз», — дея сой бўйлаб юқорилаб кетаверибди. Бир пайт узоқдан эски тегирмон кўринибди. Савдогар бой ҳамроҳларини олиб тегирмонга борса, у жуда қадимдан қолган тегирмон эмиш. Тарновларини ўт-алаф босиб ётган эмиш. Бу жойга ҳеч кимнинг оёғи етмаганлигини кўрган савдогар бой: «Шу жойда дам оламиз. Уёқ-буёқни қаранглар, сув-пув бўлса керак», — дебди. Шунда у билан бирга келаётган иш бошчиси: «Бу ер хосиятли жойга ўхшамайди. Дев, ажиналар маконига ўхшайди. Бу ердан кетайлик. Агар хислатли жой бўлганда, бирон бир одамзоднинг оёғи теккан бўларди», — дебди. Савдогар бой кўнмабди. «Шу жойда қоламиз, нима бўлса кўрамиз», — деб туриб олибди. Одамларнинг бир қисми сув ахтариб кетибди, бир қисми савдогар бой билан қолибди. Угли ҳам отаси билан қолибди. Бир пайт ярим кечада осмондан бир қанча девлар қуюндек учиб келиб тегирмонга тушибди. Савдогар бойнинг одамлари қочгани жой тополмай қолишибди. Тешикка киргани тешикка кирибди, тарновга тушгани тарновга тушибди. Савдогар бой эски ҳампага беркинбди. Боласи илми-ҳунардан хабардор экан, тегирмон тошига айлапиб олибди. Девлар ерга тушиб, қўйниларидан олмалар чиқаришиб, уларни париларга айлантириб зйш-ишратин бошлаб юборишибди. Девлар орасида бир-бирдан баҳайбат, бадбашара, ҳамма ёғини юнг босган учта ака-ука дев бор экан. Уларнинг бировини Ахмон дев, иккинчиси Махмон дев, учинчисини Тахмон дев аташар экан. Махмон дев қўйнидан бир қизил олма чиқариб бир қизга айлантириб олибди-да, оёғини бостириб, белини уқалатиб ўлтираверибди. Тахмон дев ҳам қўйнидан бир сариқ олма чиқариб, парига айлантириб ўзини уқалатиб ўлтираверибди. Ахмон дев ҳам қўйнидан ярми қизил ярми сариқ олма чиқариб, уни парига айлантириб, бу ҳам ёнига олиб ўлтираверибди. Эндиги гапни сув ахтариб кетган савдогар бойнинг одамларидан эшитинг. Улар сой бўйлаб сув ахтара-ахтара бир қўлтум ҳам сув топа олмай, изларига қайтишибди. Тегирмонга келишса, ҳамроҳлари йўқ эмиш. Тегирмоннинг ичидан учта дев, учта парияни ёнига олиб, гоҳ эркалаб, гоҳ дўқ-пўписа билан оёқ-қўлларини уқалатиб ўлтиришган эмиш. Буларни кўрган бойнинг ҳамроҳлари: «Девлар шерикларимизни ёб, эндиликда дам олиб ўлтиришган экан-да», — дея

орқаларига қарамай қочиб қолшибди. Бир пайт Ахмон дев уёқ-буёқни ҳидлаб: «Уфф, одам иси келяпти, пуфф, одам иси келяпти»,— дея бақириб-чақираверибди. Аммо ҳеч кимдан дарак бўлмабди. Шунда Махмон дев: «Бу ерда одамзод нима қилади? Қуш келса қаноти букилиб, жонзод келса оёғи сениб қолади-ку?»— дебди. Тахмон дев эса: «Махмон акам тўғри айтаяпти, бу ерда одамзод нима қилади? Ахмон ака, тишинигизни кавланг-чи, балким, қавагида кечаги еган одаминигизнинг ҳиди қолгандир», — дебди. Ахмон дев тишини кавлаган экан, тишининг қавагидан одамнинг гўшти чиқибди. «Ҳа, тишимнинг орасида қолган экан», — деб тинчибди. Улар тегирмонда одам йўқлигига ишониб, айш-ишратни давом эттиришибди. Тун ўтиб, тонг отибди. Шунда Ахмон париларга қараб шундай дебди:

— Бизлар овга кетамиз. Ов овлаб келгунимизгача шу ерда дам олиб ўлтирасизлар, — девлар шундай деб париларни уйга қамаб, устидан қулфлаб осмони-фалакка кўтарилиб кетишибди. Девлардан юрагини олдириб қўйган савдогар бой хампанинг ичиди: «Қани, бу ёғи нима бўларкин»— деб жим ётаверибди. Бошқа ҳамроҳлари ҳам кирган-кирган жойларида писиб ётишаверибди. Девларнинг учиб кетганини кўриб, парилар ўзаро суҳбат бошлашибди. Тегирмон тошига айланиб олган Ваҳобжон қулоқ солиб ўлтирса, парилардан бири:

— Мабодо мен шу Ахмон девнинг чангалидан қутулсам, бирон-бир йигит олса, молу дунёга кўмардим. Кўҳиқофдаги бор олтину зарларимни тортиқ этардим,— дебди.

Бошқа бирови:

— Борди-ю, мен Махмон дев чангалидан қутулсаму бирон-бир йигит хотин қилиб олса, уни ота юртимга подшо қилдирардим. Отам Ямандан Ясаргача бўлган жойда шоҳ, унинг бойлиги етти иккимга татийди,— дебди.

Шундоққина тегирмон тош олдида унга суяниб ўлтирган учинчи пари:

— Борди-ю, мен Тахмон девнинг қўлидан эсон-омон қутулсам, менга бирор йигит ёрдам берса, унга жонжон деб суюкли хотин бўлардим-да, дунёга татийдиган икки ўғил, бир қиз туғиб берардим,— дебди. Шу пайт Ваҳобжон илму ҳунарини ишга солиб йигитга айланибди-да, энг кенжа парига қараб:

— Отнинг нима, насл-насабинг ким, айт? — дебди.

— Отим Гулиқаҳқаҳ, Эрон подшосининг қизиман. Девларнинг девн Тахмон дев олиб қочиб, менга тега-сан деб мени гоҳ парига айлантириб ёнида, гоҳ олмага айлантириб қўйнида олиб юради,— дебди. Шунда Ваҳобжон:

— Мен сени девдан қутқазиб, тўй қилиб олсам айтган ваъдангда турасанми?— дебди. Гулиқаҳқаҳ:

— Агар мени девнинг чангалидан қутқазсанг, бошдан-оёқ сеникиман. Айтганимни бажараман, — дебди. Бошқа парилар ҳам бирин-кетин ялиниб-ёлвориб:

— Бизни ҳам қутқазинг, чўриларингиз бўламиз, айтган ваъдамизни бажарамиз, — дейишибди. Эндиги гапни боланинг отасидан эшитинг.

Бой ҳампаннинг ичида ётиб ҳамма гапни эшитиб ётган экан. Дарров ҳампаннинг ичидан чиқиб, қолган-қутган одамларни йиғиб:

— Тез отланинглар. Ҳали-замон девлар келиб теримизга сомоп тиқишади. Вақтда жуфтакни ростлаб қолганимиз маъқул,— дебди. Ҳамма жўнаб кетиш пайига тушибди: Ваҳобжон:

— Мен ҳеч қаёққа кетмайман. Бу уч қизни девлар чангалидан қутқазаман, энг кенжасига уйланаман,— деган экан, отаси кўнмабди. Ваҳобжон ҳам ўз сўзидан туриб олибди. Отаси уни койибди, уришибди. Қанчалик қистамасни у кўнмабди. Охири бўлмагач, «сендай ўғлим йўқ, оқ қилдим, кўк қилдим»,— дея жаҳолат билан бошқа ҳамроҳларини олиб изига жўнаб кетибди. Ваҳобжонга, очликдан ўлиб кетсин, деб нон-пон ҳам, девлар суягини гажисин, деб қурол-аслаҳа ҳам қолдирмабди. Ваҳобжон учала пари билан қолибди. Улар уёқ-буёқдан, ўтган-кетгандан гаплашиб ўлтиришган экан, яна бирдан ҳаммаёқни қоронғулик босибди. Шамол-тўполон бошланиб, чанг-тўзон кўтарилиб, йигит-қизлар бир-бирларини кўролмаб қолибди. Шу пайт Ваҳобжон: «Нима гап бўлди?» — деб ҳайрон бўлиб турган экан, Гулиқаҳқаҳ пари:

— Девлар келяпти. Эй, йигит, энди сен қочиб қутула олмайсан. Улар сени хомталаш қилншади,— дебди. Парилар қўрққанларидан дағ-дағ титрашиб, девлар қамаб кетган жойларига кириб олишибди. Бола нлму сеҳрини ишга солиб бир дуо билан тегирмон тошига айланиб олибди-да: «Қани, нима бўлар экан», — деб тураверибди. Бир пайт девлар таппа-таппа ерга туши-

шибди. Яна парилар билан майишатни бошлаб юборишибди. Бир пайт Тахмон дев: «Сендан одам нси келаяпти»,— деб Гулиқаҳқаҳ парининг у юзига бир шалалоқ, бу юзига бир шалалоқ тортиб юборибди. Гулиқаҳқаҳ пари йиглаб-сиқтабди. Девнинг акалари: «Нега ундай қилдинг?»— дейишган экан, Тахмон дев: «Одам билан мулоқотда бўлганга ўхшайди, ундан одам нси келаяпти. Шунинг учун урдим», — дебди. Ахмон дев билан Махмон дев ҳам ўзлари ўйнашиб ўлтирган париларни: «Сенлардан ҳам одам нси келаяпти»,— дея роса уриб-сўкишибди. Парилар йиглаб-сиқташибди. Шунда Ваҳобжон одам ҳолига келиб, улар билан олишмоқчи бўлибди-ю, лекин: «Менда на қилч, на пичоқ бўлса, улар дев бўлса, мени бир чангаллашдаёқ гижимлаб ташлашади», дея боши қотганича, нима қилишини билолмай ётаверибди. Тахмон дев: «Ҳой, акалар, биз йўқлигимизда бу ерга одамзод келганга ўхшайди. Одамзод келмаса, бу парилардан одам ҳиди келмасди. Энди буларни бу ерда ёлғиз қолдириб бўлмайди. Балким биз йўқлигимизда одамзод билан ўйнаб-кулишгандир. Шунинг учун уларни ўзимиз билан олиб кетамиз», — дебди. Бу гап Ахмон дев билан Махмон девга ҳам маъқул тушибди. Девлар париларни олма-ларга айлантириб, қўйниларига солиб осмону фалакка кўтарилишибди. Ваҳобжон ҳам илму сеҳрини ишга солиб бир дуо билан тегирмон тошдан чумчуққа айланиб, девларнинг изидан учиб кетаверибди. Девлар учиб-учиб бир тоққа бориб тушишибди. Чумчуқ ҳам уларнинг кетидан бориб, тоққа қўнибди-да, тошга айланиб олибди. Бу тоғ девларининг макони экан. Ҳар ўнгирдан, тешикдан «Яхши келдингларми?» — деб девлар йиғилиб келишаверибди. Ҳар девлар эмишки, бировнинг шохи дарахт илдизига ўхшаб чирмашиб-чатишиб кетган бўлса, бошқасининг ҳар бир туки мирза теракдай-мирза теракдай келармиш. Бирови қадам ташлаб юра бошласа, тоғлар ларзага келармиш, бошқаси қўлини узатса, осмони-фалакка етармиш. Ҳаммаси йиғилиб келиб, гаплашиб ўлтиришган экан, бирови:

— Одам нси келаяпти, уфф, одам нси келаяпти,— деб қолибди. Тахмон дев: «Бу ерда одамзод нима қилсин, қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куяди-ку?! Манави манжалақиларни бир эски тегирмонга ташлаб кетган эдик, одамлар билан гаплашганими ё одамлар

босган изни босншганми, ҳид ўшалардан келаяпти»,— дебди. Девлар: «Ундай бўлса, бошқа гап»,— дейишибди. Бу гапларни эшитиб, Ваҳобжонни ваҳима босибди. Девлар шу куни айш-ишрат қилиб эрталабгача ўлтириб чиқишибди. Эрталаб ҳаммаси ҳарёққа — бировни тоғнинг ўнгирига, бошқаси тешигига кириб кетибди, бошқалари ов овлаб учиб кетншибди. Улар орасида бир дев бор экан, уни гуноҳкор, деб қоровулликка қолдиришибди. Бундан хафа бўлган дев дарров мудраб, ухлаб қолибди. Девларда бир одат бўларкан. Улар бир ухладими, думбасини кесиб кетсаям билишмас экан. Бу одатни билган парилар олма ҳолидан асл қолларига келишиб, яна суҳбатга тушнишибди.

— Кўрган одамзодимиз ҳам йўқолиб кетди-я,— дебди бири. Бошқаси:

— Йўқолиб кетди дема, девларни кўриб қўрққанидан қочиб қолди. Одамзод насли ўзи шундай бўлади: ундай қиламан, бундай қиламан деб мақтанди-да, пайти келса қочиб қолади,— дебди. Учинчиси:

— Сенам, сенам нотўғри айттиларинг. У девларни кўрибоқ ўзидан кетиб, ўлиб қолди,— дебди. Шу пайт Ваҳобжон тошдан одамга айланибди-да:

— Сен ҳам нотўғри айтдинг. Мана — мен!— деб уларга рўбарў чиқибди. Парилар уни кўриб хурсанд бўлишибди. Гуноҳларидан ўтишни илтимос қилишибди. Шунда Ваҳобжон девлардан қандай қилиб қутулишининг режасини туза бошлабди. Уни илми сеҳрдан хабари бор эмасми, ана шу илми сеҳрнини ишга солибди: тоғлардаги тешик, ғор, ўнғирларни дуо билан бекитиб ташлабди. Тоғнинг баландини паст, пастини баланд қилибди. Тоғни тоққа қўшиб ҳаммаёқни қўрғон қилиб ўраб олибди. Шу пайт қоровул бўлиб қолган дев уйғониб, болага ташланибди. Икковлари тозаям олинишибди. Гоҳ девнинг, гоҳ Ваҳобжоннинг қўли баланд келибди. Бари бир дев дев экан-да. Бу дев ҳам жуда кучли экан. Болани даст кўтариб тоғдан отиб юбормоқчи бўлган экан, Ваҳобжон:

— Ҳой, дев, тўхта, бир гап айтаман, — дебди. Дев:

— Сен одамзоддан нима гап чиқарди. Эгрини тўғри, тўғрини эгри, борни йўқ, йўқни бор, ростни ёлғон, ёлғонни рост дейишдан нарига ўтмайсанлар,— дебди. Ваҳобжон:

— Тўхта, мен сенга бир сир айтаман,— дебди. «У нима сир экан?»— деб Ваҳобжонни ерга қўйибди-да:

— Қани, сирингни айт. Аммо билнб қўй. Алдасанг ҳозироқ ямламай ютаман,— дебди.

— Мен фалон подшоҳнинг ўғлиман. Борди-ю, мени ўлдирмай, қўйиб юборсанг, сен билан дўстлашаман-да, отам ўрнига подшо қиламан. Ана унда еганинг олдингда, емаганинг кетингда бўлади. Одамзоддан дейсанми, паризоддан дейсанми, иккитами, учтами хотин олиб бераман. Ана унда мазза қилиб, давру даврон сурасан,— дебди бола. Дев лаққа тушибди.

— Ундай бўлса, сен билан дўст тутинганим бўлсин,— деб болани қўйиб юборибди.— Қани, қандай қилиб отанг ўрнига мени подшо қиласан. Еганим олдингда, емаганим кетимда бўлади. Битта эмас, икки-учта хотин олиб берасан. Майли, паризод бўлса бўлсин, одамзод бўлса одамзод бўлсин.

Ваҳобжон:

— Энди гапимни эшнт. Ҳозир айтганларимни қилсанг, мен ҳам айтганларингни тўла бажо келтираман,— дебди. Дев:

— Айт, нима қилай,— дебди.

— Менга девлар билан олишнб, уларни енгиш сирини айт. Қандай қилсам уларнинг ҳаммасини енгаман. Уларни жони қайда бўлади, бу тоғларда нималар бору нималар йўқ, айт. Бу ердан қандай қилсам соғомон чиқиб кетаман. Анави парилар менга қарашли, уларни ҳам қандай қилиб девлар панжасидан қутқараман. Шуларни айт, ўргат,— дебди. Дев:

— Вой-бу, бунча кўп саволларинга бирдан қандай жавоб қиламан,— дебди. Ваҳобжон:

— Дўст бўламан десанг, подшоҳ бўламан десанг, хотинли бўламан десанг, саволларингга жавоб берасан-да,— дебди. Дев:

— Бўлмаса эшит. Девлар билан олишнб, сурнишб, тортишб енга олмайсан, улар сени бирпасда тилка-пора қилиб ташлашади. Бунинг учун ақлин, ҳийлани ишга солишинг керак. «Қўл қилолмагани ақл қилди», деган гап бор. «Кўз олмагани ақл олади», деган гап ҳам бор. Ақлингни ишга сол, ҳийла ишлат,— дебди.

— Қандай қилиб,— дебди Ваҳобжон. Дев:

— Буёғини ўзинг топ, мен сенга ақл бўлолмайман. Қачон девлар одамзодга ақл бўлибдики, мен сенга ақл бўлай,— дебди. Ваҳобжон ўйлаб-ўйлаб:

— Топдим!— дебди.— Девлар келишига мен ҳам

сенга ўхшаб оламан. Сен уларга, ука топиб олдим, дейсан. Кейин бир гап бўлар,— дебди. Дев:

— Йўқ, бўлмайди, сени исингдан билиб қолишадиди, беҳудага ўлдириб юборишади, — дебди. Ваҳобжон:

— Бўлмаса, менга қурол топиб бер, улар билан олиншамай,— дебди.

— Йўқ, олишиб ҳам уларни енголмайсан дедим-ку!— дебди дев.

— Бўлмаса нима қил дейсан?— дебди Ваҳобжон фиғони ошиб.

— Буни Гулиқаҳқаҳ паридан бошқаси эпполмайди,— дебди қоровул дев.

— Қандай эплайди?! Қани, айт-чи?!— дебди Ваҳобжон. Дев:

— Гулиқаҳқаҳ парининг ўзи билади, ундан сўра, у кўнса ҳаммаси жойида бўлади,— дебди. Ваҳобжон Гулиқаҳқаҳ парининг олдига бориб ҳамма гапни айтиб бўлиб:

— Менга ақл ўргатсангиз,— дебди. Шунда Гулиқаҳқаҳ пари:

— Одамзоднинг ақли ўзи билан, дейишадиди. Сиз одамзод бўлсангиз, биз пари бўлсак, сизга қандай ақл ўргатамиз,— дебди. Шунда Ваҳобжон:

— Сиз ҳам одамзодсиз-ку. Ҳозирча пари, холос. Кейин: — Ади-бади айтиб ўлтиришга вақтин йўқ. Девлардан қутулиш йўлини билсанг, айт. Билмасанг, билмайман де. Унда ўзим бир гап қиларман,— дебди жаҳл билан. Гулиқаҳқаҳ пари Ваҳобжоннинг жаҳли чиққанини билиб: «Ўзбекнинг жаҳли чиқса ёмон бўлади, ота-онасини ҳам танимай қолади, деб эшитганман. Яна бу бизни бир балога йўлиқтирмасин»— дебди-да, кейин:

— Майли, ёрдам берсам-берақолай. Бўлмаса, гапни эшитинг, — деб гап бошлабди. Менинг отам Эрон подшоши эканлигини айтган эдим. Отамнинг саройида жуда кўп донишмандлар, табиблар, қуръондозу изқувар, изтопар, фолбинлар тўпланган. Уларнинг қўлидан ҳамма иш келади. Сизнинг куч-қувватингиз, илму ҳунарингиз, илму сирингиз уларнинг олдида ҳеч гап эмас. Йложини қилиб отамнинг саройига борсангиз, бир донишмандга учрайсиз. У донишманд бошқалардан ўн карра, балки юз карра зўрроқ. Қўлидан ҳамма иш келади. Истаса осмону фалакка чиқади, хоҳласа етти

қават ер тагига тушади. Ултирган жойида дунёни нариги четнда нима гап борлигини чамалаб билиб олади. Одамзодгами, паризодгами, ҳайвонгами бир қараб, ичида нима гаплигини англаб олади. Донишманднинг билмаган нарсаси, кўрмаган жойи, гаплашмаган одами йўқ. Хоҳласа оловни муз қила олади, хоҳласа музни оловга айлантиради. Шу донишманднинг ҳузурига бориб, мени айтди, десангиз, балким сизга ёрдам берар,— дебди.— Донишманднинг қўлида бир китоб бор. Шу китобда девни одам, одамни дев қиладиган ёхуд девми, аждарми, шер-арслонми дуо билан бўйсундириб олиб, эшак қилиб миниб юриш мумкинлиги ёзилган. Тоғ-тошни эритиб, дарё қилиб оқизиш ҳам, тиконни гул, гулни тикон қилиш ҳам, тупроқни зар, зарни тупроққа айлантириш ҳам, ҳамма-ҳаммаси батафсил ёзилган,— дея қўшимча қилибди Гулиқаҳқаҳ пари.

— Жуда соз. Энди менга донишманднинг ҳузурига бориш, унинг китобини олиш йўллариини ўргатсанг бўлди,— дебди йигит. Гулиқаҳқаҳ:

— У ерга мени олиб қочган Тахмон дев олиб бора олади, холос. Бошқаси олиб боролмайди. У донишманд йўқлигида пайт пойлаб бориб мени олиб қочган. Кейин бормаган. Агар уни кўндира олсанг ўша олиб боради,— дебди. Тахмон девни қандай кўндирсам экан, деб Ваҳобжоннинг тозаям боши қотиб турган экан, жонига қоровул дев оро кирибди.

— Менинг ўрнимга қоровул дев бўлиб турасан, у келганда гап-сўз, ақл-идрок ёки куч-қувват ишлатиб уни кўндирасан-да, устига миниб донишманднинг олдига борасан. Аммо эҳтиёт бўл. Тахмон жуда айёр дев,— дебди. Бола «хўп» деб девларнинг келишини кутибди. Бир пайт тоғу тошлар шарақ-шуруқлаб, кўчки қўчгандай бўлибди. Еру кўкни тўзон тутиб, сандиқдай сандиқдай тошлар осмону фалакка отилибди. Қоровулда қолган дев Ваҳобжонга яқинлашиб, «девлар келаяпти, айтганларимни қил энди»,— дебди. Ваҳобжон илму сеҳрини ишга солиб, қоровул девни тошга айлантириб, ўзи бўлса қоровул девга айланиб, пойлоқчи девдай қаққайиб тураверибди. Шу пайт Тахмон дев важоҳат билан тоққа қўнибди. Қолганлари келмаган, овда қолиб кетишган эмиш.

— Қоровулликда яхши турибсанми?— сўрабди Тахмон дев қоровул — Ваҳобжон девдан.

— Яхши. Ана париларинг ҳам жойида. Акаларимиз

келмадимми?— деб сўрабди қоровул «дев» ҳам ўз наз-  
батида ёлғонни дўндириб. Тахмон дев:

— Аккаларим Ўман билан Ясирга кетишди. Мен  
ярим йўлдан қайтдим. Аммо жуда чарчадим, ётиб дам  
оламан. Сен қоровуллинггни давом эттиравер,— деб-  
ди. У шундай деб туриб:— Уфф, одам исн келаётганга  
ўхшайди. Мабодо йўқлигимизда одам келмадимми?—  
деб сўрабди. Қоровул «дев»:

— Бу ерда одам нима қилади. Балким, анави па-  
рилардан келаётгандир. Ахир, улар аввал ҳам сенлар  
йўқлигингда одамзод билан айш-ишрат қилишган экан-  
ку?— дебди. Қоровул «дев»нинг бу гапидан Тахмон  
дев орланиб кетиб.

— Бўлди, бўлди. Сенга гап бўлса,— деб уйқуга  
кетибди. Бир пайт оғзидан бир каптар кириб-чиқиб  
ётган эмнш. «Пуфф» деса чиқармиш, «ффу» деса ки-  
рармиш. Ваҳобжон бирпас пойлаб турибди-да, девнинг  
устига чиқиб, оғзига кириб чиқаётган каптарни ушлаб  
олибди. Шу пайт дев кўзини очиб:

— Бу нима қилганинг?— дебди.

— Мен сенинг жонингни олиб ўлдиргани келган  
азройилман,— дебди қоровул «дев». Тахмон дев:

— Сен девсан-ку?! Қарга қарганинг кўзини чўқий-  
дими? Сен дев бўла туриб меннинг жонимни оласанми,  
ҳазиллашаётган бўлсанг, ҳазилингни йиғиштир, — деб-  
ди. Ваҳобжон:

— Мен дев эмасман,— дея илму сеҳрини ишга со-  
либ девдан одамга айланибди. Буни кўриб дев тозаям  
кўрқиб кетибди. Дев кўрққани сари Ваҳобжон унинг  
қўлтиғи тагидаги жонини қаттиқроқ қисармиш. Ҳар  
қисганда девнинг қовурғалари қисирлармиш. Тахмон  
дев:

— Сен енгдинг, жонимни тезроқ қайтариб бер. Ҳо-  
вир ўлиб қоламан. Нима тилагинг бўлса қиламан. Ула-  
ўлгунча қўлинг бўлиб қоламан, — дебди.

— Гапингда турмасанг-чи?— сўрабди Ваҳобжон.

— Гапимда тураман. Мабодо турмасам ундай бў-  
лай, бундай бўлай, аргамчингга қил, ярмичоғингга  
тош, ўчоғингга ўтин, мўрингга тутун, уйингга пишак,  
тагингга эшак бўлай,— деб қасам ичган бўлибди. Ва-  
ҳобжон қўлтиғи тагидан каптарни чиқарибди-да, қў-  
йиб юборибди. Дев «ффув» деган экан, каптар ичига  
кириб, танаси жонланиб, олайган кўзлари жойинга ту-  
шибди.

— Улдириб қўйишигга сал қолди-я,— дебди Ваҳобжонга қараб. Кейин енгил тортиб:— Ана энди тиланигини айт, нима қилай?— дебди. Ваҳобжон:

— Мени Эрон шоҳининг саройига олиб бориб, у ердаги донишмандлар донишмандни кўрсатасан. Унда зарур ишим бор,— дебди. Тахмон дев «донишмандлар донишманди» деган гапни эшитиши ҳамон турган жойида қотиб қолибди. Тили калимага ҳам келмасмиш. Охири у титраб-қақшаб:

— Нима қил десанг қиламан. Тоғни қўпориб ташла де, қўпорай. Акаларингни ўлди де, ўлдирай. Дарё сувини ичиб, ер танобини торт де, ичай, тортай, ammo лекин донишмандлар донишмандига рўбарў қилма. Сендан бирдан-бир сўровим шу,— дебди. Ваҳобжон:

— Кўрқма, мен борман. Сенга ҳеч нима қилмайди. Донишмандлар донишманди менинг ўз одамим,— дегандан кейин Тахмон дев олиб боришга розилик билдирибди. Шу пайт Гулиқаҳқаҳ пари ҳам Ваҳобжонга қараб:

— Мени ҳам бирга олиб кетинг. Ёлғиз борсангиз балким отам ҳам, донишманд ҳам қабул қилмас, қабул қилсаям, хуш кўришмас. Йўлга қўйган ваҳшнй ҳайвонлар ҳужум қилиб, беҳуда нобуд бўлиб кетманг. Отамнинг уч юз олтамиш арслони, шунча йўлбарс, минг бир деви, шунча аждарҳоси, сон-саноқсиз мастон кампирлари, изқувару изтопарлари бор,— дебди. Ваҳобжон Тахмон девга қараб:

— Сен нима дейсан?— деган экан, у:

— Мен нима дер эдим. Шу кунгача Гулиқаҳқаҳ пари меники деб юрар эдим, энди у сенники бўлди. Пари нима деса шу бўлади,— дебди. Тахмон дев шундай деб икковини икки нинга айлантириб, икки ёқасига санчиб йўлга отланибди. Қору ёмгир демай, саҳрою сой демай юриб-юриб бир жойга бориб тушибди. Бу Эрон подшоҳига қарашли жой бўлиб, шундай чиройли, гўзал эканки, боғдаги гулларда булбуллар сайраган, бедазорида бедана-ю, какликлар какку-каккулаган эмиш... Бир томонда тўда-тўда шерлару арслонлар, бошқа томонда гала-гала кийиклар ўтлаб юришган эмиш. Сойларида шарбат ариқларида сут оқиб, ҳовузларида қаймоқ билиқ-билиқлаб ётган эмиш. Подшоҳнинг ҳайвонлари Гулиқаҳқаҳ парини кўргач, таниб, уларга ҳужум қилишмабди. Аксинча, олдиларига ке-

либ ялаб-юлқашибди. Йўл беришибди. Кейин Ваҳобжон, дев, Гулиқаҳқаҳ пари гапни бир жойга қўйибди. Дев изига қайтадиган бўлибди. «Керак бўлганда тутатасан»,— дея Тахмон дев болага қўлтиғининг жундан юлиб берибди-да, учиб кетибди.

Гулиқаҳқаҳ пари Ваҳобжонга қараб:

— Энди гапимни яхшилаб эшитинг. Шу ҳолда саройга борсангиз ё ўлдиришади, ё зиндонбанд қилишади. Эскироқ кийим кийиб олинг-да, саройга гадой сифатида кириб боринг. Саройда сизга раҳмлари келиб, бир лаъли тилла беришади. Сиз лаълини уриб юборинг. «Нега ундай қиласан?»— деб жаҳллари чиқса, сиз: «Бу тиллаларингни еб бўлмаса нима қиламан. Менга берсаларинг ейишлик бирор нарса берларинг»,— дег. Шунда сизга оқ нон олиб чиқишадн. Сиз уни олманг. Сизга ош олиб чиқишади, сиз ошни ҳам еманг, қайтариб юборинг. Сизга мева олиб чиқишади, меваларга ҳам оғиз теккизмаг, қайтариб юборинг. Шунда донишмандлар донишмандининг олдига бориб, «бир гадой ё ҳақ, ё дўст» деб тиланиб келди. Бир лаъли тилла берсак олмай, ейдиган нарса бер, деди. Нон берсак олмади, ош берсак емади, мева-чева тутсак, бир қиё боқмади. Унга нима берсак бўлади, сиз айтинг»,— деб донишмандга маслаҳат солишади. Донишманд, ким экан ўша гадой, дея сизнинг олдингизга чиқади. Уни кўрган заҳотиёқ оёғига йиқилинг-да: «Мени шогирдликка олинг, қаттиқ-қуттуқ нонингизни дариг тутманг»,— дея ялиниб-ёлборинг. Донишманднинг раҳми келиб сизни шогирдликка олиб қолади,— деб маслаҳат берибди. Ваҳобжон Гулиқаҳқаҳ парининг ҳамма айтганларини бажарибди. Ҳаммаси қиз айтгандай бўлибди. Донишмандлар донишманди китоб кўрса, бу гадой эмас, ўзига шогирдликка йўл юриб, сой кечиб, тор ошиб, чўл кезиб келган бир ақлли, доно йигит эмиш. Донишмандлар донишманди боланинг олдига чиқибди-да уни кўриб раҳми келиб, ўрнidan турғазибди, кейин ўзига шогирдликка олибди.

Ваҳобжон устозникида юраверибди, орадан кунлар, ойлар ўтаверибди. Ваҳобжоннинг ақли бутун, зеҳни баландлиги туфайли оз кун ичида донишманднинг меҳрини қозонибди.

Кунларнинг бирида Ваҳобжон донишмандлар донишмандига қарата:

— Устоз, менга девларни жиловлаб қўшга қўшиш-

нинг сирларини ўргатадиган китобингизни берсангиз,— дебди, кейин бошдан ўтган-кетганларни бирма-бир сўзлаб берибди. Гулиқаҳқаҳ хусусидагина индамабди.

Донишмандлар донишманди:

— Сен қанчалик куч-қувватли бўлма, девлар сендан зўрроқ. Сен айтган девларни айниқса куч ишлатиб ҳечам енгин бўлмайди. Бунинг учун ақл-идрокингни нунга солишинг керак. Уша сен айтган девларни бўйсундириш мана бу китобда ёзилган, — деб Гулиқаҳқаҳ айтган китобини берибди. Ваҳобжон китобни очиб ўқиб кўрса, унда шундай деб ёзилган эмиш: «Девларни қўлга олиб, эшакдай миниш ёки хўкиздай қўшга қўшининг сирини улар билан гап-сўзда сина-сина ўйнаш ё бўлмаса, гап-сўз, ҳийла-найранг, дўқ-пўписа билан уларни қўрқитиб олишдир», деб аниқ ёзилган эмиш.

Ваҳобжон китобни мутолаа қилишда давом этибди. Бола зеҳни ўткир, ақли расолигидан ўзи китобга қараб карнай, поғора, дутор ясабди. Кейин обдон уларни чалишни ўрганибди. Донишмандлар донишманди у билан ота-бола тутиниб: «Қачон келсанг, эшигим очик», деб, бир отни яхшилаб эгарлаб-жабдуқлаб, Ваҳобжонни йўлга солиб юборибди. Бола тўппа-тўғри Гулиқаҳқаҳ парининг олдига келибди. Ҳол-аҳвол сўрашишгач, у Тахмон девнинг қилини тутатган экан у дарров етиб келибди. Учовлон осмону фалакда, донишманд берган от ер устида йўлга тушиб, йўл юришиб, йўл юришса ҳам мўл юришиб, девлар макони — тоққа етиб келишибди. Буларни кўриб девлар росаям суюнишибди. «Емагимиз олдимизга ўз оёқлари билан келишди!» — дейишибди. Шунда Тахмон девнинг ҳам одамзодга қўшилиб кетганини кўриб, акаси Махмон дев уни ушлаб отиб юборган экан осмону фалакка чиқиб, кўздан йўқ бўлиб кетибди. Кейин Махмон дев Ваҳобжонга қараб:

— Ана кўрдингми, ўз укам Тахмон девни сенларга қўшилиб кетгани учун нима қилдим. Сени ҳам, ёнингдаги манжалақини ҳам ҳозир шундай қиламан-да, никовларнинг осмонга улоқтираман. Айт, нега бу ёқларга келиб, бизнинг оромимизни буздиларинг,— дебди. Шунда Ваҳобжон:

— Ҳой, нодон дев, сен кўпам акиллайверма! Анави дев укангнинг бошига келган кунни сенинг ҳам бошингга солиб келиб миниб юрмай тагин,— дебди. Шу гап

дн. У девларнинг деви, энг зўри экан. Ахмон девдан дунёдаги барча дев қўрқар экан. Ахмон дев гулдираб: «Нима гап?»— деб сўрабди. Махмон дев ҳамма гапни айтиб берибди. Ваҳобжонни кўриб Ахмон дев кулиб юборибди-да: «Шу тирранча девларга басма-бас келарканми?»— дебди. Ваҳобжонни ёдига донишмандларнинг донишманди берган китобдаги айтилган «девларни ё гап-сўз, қуруқ дўқ-пўписа билан ё ҳийлайи шарий билан енгасан, кучда енгаман деб овора бўлма», деган гап эсига тушиб кетибди.

— Ҳой, дев, сен мен билан ади-бади қилиб гап талашиб ўлтирма. Курашай десанг, курашаман, шартлашай десанг шартлашаман,— дебди. Дев «шартлашаман», дебди. Девлар узокроққа бориб туришибди. «Ахмон шартлашиб одамзодни енгади, кейин ўлдириб бизга беради», — деб хурсанд бўлишибди.

Эндиги гапни Тахмондан эшитинг. У осмондан эсон-омон тушиб, бир чеккада турган экан, яқинроқ келиб:

— Ҳой, Ахмон ака, сен мени ҳе йўқ, бе йўқ осмонга отиб юбординг. Энди бу одамни назар-писанд қилмай, шартлашамиз, деб нодонлик қилаяпсан. Яхшиси ундан гап сўра, нима деса қил, шунда омон қоласан. Бизнинг жонимизни олиш учун осмондан тушган азроил-ку! У сени анави турган барча шерикларнинг билан бирга ушлаб олиб бурнинглардан ип ўтказадн-да, ё эшакдай минади, ё ҳукиздай қўшга қўшади,— дебди. Бу гапдан Ахмон девнинг баттар жаҳли чиқиб, ҳар бир туки гаврондай-гаврондай бўлиб кетибди. Укасини қувиб етиб олибди-да, ушлаб олиб, яна осмонга улоқтирибди. Тахмон дев етти қават осмонга чнқиб йўқ бўлиб кетибди. Ахмон дев Ваҳобжонга қараб:

— Қани, бошла шартингни, — дебди. Ваҳобжон:

— Оғзимизда овоз чиқариб ким баланд овозда қичқирш,— дебди-да, карнайни оғзига олиб шундай чалибдики, девлар турган жойларида тарашадай қотиб қолишибди. Бир пайт ўзларини таппа-таппа ерга ташлашибди. Қарнайнинг овози тоғдан-тоққа, ўнғордан-ўнғорга ўтиб «вата-ту, вата, вата-ту вата» овози оламни тугиб кетибди. Ахмон дев ҳам қўрққанидан хуши бошидан учаёзибди.

— Энди навбат сенга,— дебди Ваҳобжон. Ахмон қичқирган экан, овози нари борса бир тошча ерга

етибди, холос. Дсвлар Ахмоннинг овозндан ўзларига келиб:

— Одамзоднинг овози бизни ўлдирди, яхшиям сенинг овозинг бор экан, тирилтирди. У энгди, сен энгилдинг, тан бер, — дейишибди. Ахмон дев болага:

— Сен энгдинг, — дебди, кейин: — Навбат меники. Энди хўп десанг, қўлда овоз чиқарамиз, — дебди-да, тошни шапалоқлаб урган экан, тошдан овоз чиқиб-чиқмабди. «Вой, қўлим» деб вой-войлаб қолибди. Ваҳобжон:

— Шартинг шу бўлса, мана энди мендан кўр, — деб ногорани бир урган экан, унинг овозндан девлар яна ерга таппа-таппа қулаб ҳушдан кетишибди. Тоғлар ларзага келибди. Ахмон ҳам ҳушидан кетиб йиқилибди. Кейин ўзига келиб:

— Сен энгдинг, учинчи шарт сеники, — дебди. Ваҳобжон: «Оғиздан, қўлдан овоз чиқардик, энди ёғочдан овоз чиқаринш», — дебди. Дев рози бўлибди. Ваҳобжон:

— Ҳой, дев, майли, бу галги навбат ҳам сеники. Қани, ёғочдан овоз чиқар, — дебди. Ахмон дев у ёғочни олиб урибди, овоз чиқаролмабди, бу ёғочни олиб урибди, ҳеч овоз чиқаролмабди. Шунда Ваҳобжон:

— Ёғочдан овоз чиқаролмадинг-ку, яна ундай қиламан, бундай қиламан деб лоф урасан, эй; нодон дев, — дебди-да, қўлига дуторини олиб шўх бир куйни чала бошлабди. Дуторнинг ёқимли овозига девлар сел бўлибди, тоғу тошлардаги булбулу қушлар ҳам эриб, учиб келиб Ваҳобжоннинг олдига тап-тап тушаверишибди. Ахмон дев ҳам эриб, ўзидан кетибди. Бир пайт дутор тингач, у ўзига келибди.

— Эй, одамзод, сен энгдинг, биз энгилдик, — дебди. Кейин: — Айт, нима қил десанг, қиламиз. Қандай буйруғинг бўлса бажарамиз, — дебди. Шу пайт Тахмон дев ҳам осмону фалакдан тушиб, ана айтмадимми, бу одамзод билан пачаклашма, деб, — дея девларни уялтирибди. Ваҳобжон Ахмонга қараб:

— Олдин тоғу тошларга беркитган одамларингни кўрсат, уларни озод қил. Кейин шу тогдан бизни учириб Эрон шоҳининг юртига олиб борасан. Кейин ҳамманглар хизматимда бўласиз, — дебди. Ахмон дев тоғлар орасидаги ёрларни бирма-бир кўрсатибди, у ерларга қамаб қўйган ҳайвону жониворларни, одамларни озод қилибди. Ҳамма ўзида йўқ хурсанд бўлиб, Ва-

ҳоҷжонга раҳматлар айтибди. Озод бўлган ҳайвонлар, жондорлар ҳам унга бошларини эгиб-эгиб миннатдорчилик билдиришибди. Девлар дастидан беш эгиб турган, саргайиб заъфарон тусга кирган дов-дахт, ўт-алаф, гиёҳлар ҳам бошларини кўтариб, Ваҳобжонни олқинлашибди. Ваҳобжон тоғу тошларни, гор-ўнгирларни айланиб юриб жуда чуқур, одам оёғи етмаган бир горга келиб қолибди. Дев гор оғзидаги қулфни очмасликка ҳаракат қилиб, унинг ёнидан ўтиб кетмоқчи бўлган экан, Ваҳобжон, оч, деб буюрибди. Дев бир пуд келадиган қулфни шарақлатиб очибди. Ичкарига киришса, қўл-оёқлари кишанланган бир қанча одам қон-зардобга беланиб ётишган эмиш. «Мен ориқ, анави семиз, мен ориқ, анави семиз, олдин уни енглар», — деб горнинг ичкарироғига қочишга ҳаракат қилармиш. Ваҳобжон яхшироқ тикилиб қараса, отаси, у билан бирга савдога кетган таниш-билишлари эмиш. Аҳмонга қараб:

— Буларнинг ҳаммасини озод қилиб, ҳаммомга солдир-да, кийим-бош бер. Сўнг яхшилаб овқатлан-тир,— деб буюрибди. Зах, қоронғи жойда ётаверганидан отаси, таниш-билишлари кўздан қолиб, халоскорлари Ваҳобжон эканлигини билишмабди. Дев унинг айтганини қилибди. Кечқурун зиёфат устида Ваҳобжон ўзини танитибди. Отаси уни танигач, кечирим сўраб, боласининг бағрига отилибди. Ваҳобжон: «Девларнинг чоҳига қандай қилиб тушиб қолдингиз?»— деб сўраган экан, отаси: «Сени ўша тегирмонда нонсиз, қуролсиз қолдириб, жаҳл билан жўнаб кетгач, йўлда шу девлар ушлаб олиб, барча молу дунёминини тортиб олишди, ўзимизни шу жойга қамашди. «Қачон ер экан?»—деб ўйлайвериб баъзилар жинни бўлиб қолди. Ҳайрият, сен келиб қолиб, бизни қутқардинг, болам»,—дебди. Ваҳобжон отасининг: «Девлардан Аҳмон, Махмон, Тахмон деган ака-укаларни берсанг, бизга берган азоблари учун ўзим уларнинг жазосини берсам»,— деган илтимосига жавобан:

— Ота, ўтган ишга саловат, улар энди менинг дўстларим, бундан буён ҳамма ёмон одатларини ташлашиб, хизматимизни қилнади,— деб уларнинг гуноҳини сўраб олибди.

Шундан кейин икки ошнасига икки парини хотинликка олиб берибди-да, икки юртга подшо қилиб юборибди. Ўзи Гулиқадҳага уйланиб, отасига керагича

мол-дунё олдириб, Махмон, Тахмон девларни қўшиб юртига жўнатибди. Ҳамма жўнаб кетгач, Ваҳобжон хотини Гулиқаҳқаҳ билан Эрон юртига отланибди. Донишманд отаси, Гулиқаҳқаҳнинг отасини кўриб, уларни ҳам отам деб, бир отам учта бўлди, дея хурсандчилик изҳор этибди. Бу ерда бир неча кун меҳмон бўлиб, иккала отаси — донишманд билан қайнотасини олиб, юртига жўнабди. Биз йўқлигимизда, экин-текинларга қараб, юртни сўраб тур, дўстим, дея Ахмонни бу юртга бошлиқ қилиб қолдирибди. «Ваҳобжон келаяпти»,— деб отаси, қавми-қариндоши, икки парини хотинликка олган икки дўсти қирқ кунлик йўлга чиқиб кутиб олишибди. Тўй устига тўй бошланиб, ҳамма шоду хандон бўлиб, юрт обод, эл омон-омон узоқ йиллар яшашибди. Гулиқаҳқаҳ Ваҳобжонга олтин кокилли бир ўғил, бир қиз туғиб, айтган ваъдасининг устидан чиқибди. Улар етишибди муродга, сизлар ҳам етинг муродга. Бойга қам худо инсоф бериб, Ваҳобжон ўғлининг гапига кирадиган, унинг айтганларига амал қиладиган бўлибди. Ҳамма Ваҳобжондан шод, хурсанд, билсангиз ҳозир ҳам уни дуо қилиб, ҳар куни узоқ умр тилашар эмиш.



## ОЛОВПОЛВОН

Қадим ўтган замонда, эл-юрт омон-омон бўлган томонда, туя ёнгоқ қумалатиб, эчки уни терганда, юртга одам, ўрмонга айиқ, сувга балиқ, тоққа аждар-ҳо подшолик қилганда чол билан кампир ёлғиз ўғли билан ошини ошаб, ёшини яшаб ўтган экан. Уларнинг кулбаси дала-даштда, одам кам жойда, жийдазорда бўлиб, кийишга кийимлари, ейишга овқатлари бўлмаганидан эчки, кийик, тулки, қуён овлаб, уларнинг гўштини еб, терисини ёпиниб яшар эканлар. Аммо ҳеч кимга қарам бўлмай, ўзлари нимани хоҳласа шуни қилиб, ов қилгилари келса, ов қилиб, балиқ тутгилари келса балиқ тутиб, ўтнн тергилари келса, ўтнн териб юришар экан. Кунлардан кун, ойлардан ой, йиллардан йил ўтиб, чол-кампирнинг ўғли Абдуллажон ўн олтига кирганда, бир воқеа юз берибди-ю, ҳамма нарса остин-устун бўлиб кетибди. Чол касалланиб, ўлими яқинлашганда ўғли Абдуллажонни ёнига чақириб:

— Болам, сен энди улғайиб, рўзгор тебратадиган бўлиб қолдинг. Мен сенга ҳеч нима мерос қилиб қолдирмайман. Фақат онанга уч танга пул қолдирдим. Ўлганимдан кейин шу пулларни сўраб олиб, бир кунингга яратарсан. Шу билан бирга уч оғиз насиҳатим бор, уни доимо ёдда тут. Улардан бири, ҳотамтой бўл — эл назаридан қолмайсан, иккинчиси, эринчоқ бўлма — бахтсиз бўлмайсан, учинчиси, меҳнатдан қочма — хароб бўлмайсан,— дебди. Отаси шундай деб, омонатини топширибди.

Кунлардан бир кун и онаси Абдуллажонга шундай дебди:

— Ўғлим, отанг менга уч танга пул қолдириб, қийналиб қолганингда ўғлинингга берсанг, бозорга бориб



энг керакли нарсаи олиб келадн, деган эди. Шундан биттасини олиб, бозордан рўзгорга керакли нарса — бир қоп ун олиб келсанг,— дебди. Абдуллажон «хўп бўлади», деб онаси берган пулни олиб, ёнига солиб бозорга борибди. Бозорда ҳамма нарса бор эмиш: ун дейсизми, гуруч дейсизми, қовун-тарвузми, савзи-пиёзми... Бир қоп ун олмоқчи бўлиб турган экан, бирдан кўзи сандиқ кўтарган кишига тушиб қолибди. У нуқул — шу сандиқни бир тангага сотаман дермиш. «Бир қоп ун олсам бир-икки ҳафтада еб қўямиз. Отам: ҳотамтой бўл, эл назаридан қолмайсан дерди, шу пулимни бериб сандиқни оламан-да, бирон-бир киши сўраса бераман. Рўзгорга ишлатар, дебди-да, бориб ҳалиги сандиқни олиб, уйига қайтибди. Пўлда кетаёт-са бир чол болага қараб:

— Болам, сандиқнингни менга бер,— дебди. Бола ўйлаб қолибди: сандиқни берай десам, онамнинг олдига пулга нима олдим, деб бораман, сандиқни бермасам, отам «ҳотамтой бўл, эл назаридан қолмайсан», деган эдилар, деб ўйлаб, нима қилишини билмай турган экан, ҳалиги чол яна:

— Болам, сандиқнингни бермасанг, сота қол!— дебди. Бола ўйлаб туриб: «Э, бор, онам нима десалар дейверсинлар, сандиқнингни бераман, бермай тағни отам айтгандай эл назаридан қолиб кетмай», — дебди-да, сандиқнингни берибди. Чол пул берган экан, олмабди. Шунда чол:

— Пул олмасанг майли, сандиқни очамиз, ичидагиси сенга бўла қолсин,— деб сандиқни очибди. Шу найт сандиқ ичидан бир мушук чиқибди. Ҳалиги чол: «Ҳали сенми сандиққа кириб олиб, ифлос қиладиган» деб, уни думидан ушлаб олиб ерга ура бошлабди. Мушук миёвлаганича чолнинг қўлидан чиқмоқчи бўлармиш-у, ҳечам чиқолмасмиш. Шунда бола: «Мушук ҳам тирик жонивор. Уни сўраб олай»,— дебди-да, чолга:

— Ота, мушукни урманг, менга бера қолинг. Пўк десангиз, сандиқни ҳам қайтиб оламан,— дебди. Чол:

— Майли, олақол, мен уни нима ҳам қилардим,— деб, мушукни болага берибди. Бола мушукни синаб-сийпаб кўтарганича уйига олиб келибди. Онаси:

— Болам, пулга нима олиб келдинг, рўзгорга керакли бир қоп уннинг қани? Ҳозир ҳамир қориб, нон ёпаман, — дебди. Бола мушукни кўрсатиб:

— Онажон, пулимга манави мушукчани олиб кел-

дим. Биров сандиққа қамаб бозорга олиб борибди, бошқаси сотиб олибди, яна биттаси уни сандиқдан чиқариб олиб думидан ушлаб ураётган экан, мен сўраб олиб келдим.

«Болам ёшлик қилибди, ҳали бозор-ўчарни билмас эди-да, бўлар иш бўпти, қозоннинг таги куйибди, янаги сафар бозорга ўзим борарман»,— деб боласига қараб уришмай-нетмай:

— Яхши қилибсан, болам, уйда мушук бўлгани ҳам яхши, қолган-қутган нон увоқларини ҳам олиб қочувчи ўғри сичқонларни еб юрар,— дебди. Бола мушук билан апоқ-чапоқ бўлиб, ўйнаб-кулиб юраверибди. Егани озик-овқатлари, кийгани кийим-кечаклари йўқлигидан кампир ҳолдан кетибди. Шунда ўғлини ёнига чақириб:

— Болам, отанг қолдириб кетган тангадан яна бирини олгин-да, бозорга бориб бир қоп макка ол, тегиримонга олиб тушиб тортиб чиқ. Нон-пон ёпиб еб, атала-патала қилиб ичиб турайлик,— дебди. Кейин,— ўзим борай деса касал бўлиб қолдим, яна ўтган галгидай маккажўхори ўрнига бирон-бир жонивор сотиб олиб келма,— дебди. Бола «хўп», деб пулни олиб, ёнига солиб бозорга жўнабди. Бозор яна гавжум эмиш, одамлар тўлиб-тошиб, олди-сотди авжида эмиш. Бола макка бозорига кетаётса, бир одам бир ёғоч сандиқ устида ўлтириб олиб:

— Шу сандигимни сотаман, оладиган киши борми?— деб бақириб-чақириб турган эмиш. Боланинг сандиқ олгиси келибди. «Ҳеч олмайман, онам уришадилар»,— деб ўйлаб, нарироқ кетай деса ҳам, кетгиси келмасмиш, нуқул сандиқни олгиси келармиш. Ҳеч бўлмабди, сандиқни оладиган бўлибди. Сандиқчига:— Сандиғингиз неча пул?— деб сўраган экан, у:

— Бир сўлкавой,— дебди. Бола ёнидаги пулни чиқариб, сандиқни сотиб олиб, уйига равона бўлибди. Йўлда кетаётса миясига бир гап келиб, жуда хурсанд бўлиб кетибди! «Онам, нега сандиқ олиб келдинг, деб хафа бўлсалар, ахир, бир қоп маккани соладиган идиш бўлиши керак-ку, шунинг учун идишини олдим, дейман!» — деб ўзининг топқирлигига ўзи хурсанд бўлиб кетаётса, бир чол кўриниб:

— Болам, сандиғингни менга бер,— дебди. Бола: «Ия, қизиқ бўлди-ку? Сандиқ ўзимга керак эди-ку. Бермай дессам отам, хотамтой бўл, деган эдилар.

Онамга нима дейман»,— деб ўйлашиб турган экан, чол:

— Болам, сандигингни текинга бермасанг, сота қол. Қанча берай?— дебди. Бу гап болага қаттиқ тегиб кетибди-да, жаҳл билан:

— Сандигинни пулга сотмайман, текинга ола қолдинг,— дебди. Чол пул берса олмабди, шунда у:

— Бўлмаса, сандиқни очамиз, ичида нима бўлса, сеники бўла қолсин,— дебди. Сандиқни очилса ичидан бир кучук чиқибди. Чол кучукни ушлаб олиб:

— Ҳали сенмисан, шундай сандиқнинг ичига тушиб олиб уни ифлос қиладиган,— деб кучукнинг думидан ушлаб олиб, аямай ура кетибди. Кучук калтак зарбига чидай олмай вангиллаб, ҳаммаёқни бузиб юборибди. Боланинг кучукка бирам раҳми келибдики, чолга ёнишиб:

— Урманг кучукни. Бўлмаса сандигинни ҳам бермайман,— дебди. — Яхшиси менга беринг,— деган экан, чол: «Ола қол, шундан бирон-бир фойда топсанг кошкийди»,— деб итни болага берибди. Бола кучукни олиб, уйига келибди. Кўриш-тўшак қилиб ётиб қолган онаси боладан:

— Болам, бозордан нима олиб келдинг, маккажў-хори олиб келган бўлсанг, тезда тегирмонга олиб бориб тортгани-да, ундан атала қилиб оғзимга қуй. Ҳолдан кетдим,— дебди. Бола онасига қараб:

— Онажон, мени кечиринг. Мен пулимга дон сақлайдиган идиш— сандиқ олган эдим, сандиқни бир ота сўраб қолди, унга бердим, ичидаги кучукни олиб келдим,— деб кучукни кўрсатибди. Онаси жуда хафа бўлиб, боласини олдиниға уришиб койиб берибди. Кейин: «Болам ҳали ёш-да, бозор қилишни қаёқдан ҳам биларди, тузалиб қолсам ўзим бориб олиб келама»,— дебди-да, шифтга қараб ётаверибди. Эртасига мушуги ва кучуги билан ўмбалоқ ошиб ўйнаб ўлтирган боласини ёниға чақириб:

— Болам, аҳволим оғирлашиб қолди, бозорга боролмайман. Отангдан қолган анави охириги пулни олд-да, бозорга бориб ярмиға дон-дун олгин-да, қолганиға менга табибдан дори-дармон харид қил. Тағин аввалгиларга ўхшаб, неқирт мушукча билан анави ярамас кучукчаға ўхшаган бирон-бир махлуқ олиб юрмагин,— деб росаям тайинлабди. Бола:

— Мушугим билан нимини ёмонламамг, ҳали қа-

раб турасиз, мен билан дўстлашиб, доимий йўлдош — дўстларим бўлиб қолишди. Шундайми?— деб кучук билан мушукка қараган экан, улар «шундай, шундай», дегандай бирови думини ликиллатиб қўйибди, бошқаси мўйловини силаб қўйибди. Бола пулни олиб бозорга борибди. Бозор ҳалиям авжида, ҳамма олди-сотди билан банд, қий-чув ҳаммаёқни босиб кетган эмиш. Бола олдин дон-дунни олиб, кейин табибга кириб онамга дори-дармон оламан, деб ўйлаб кетаётган экан, бозорнинг энг ўртасида бир одам бир сандиқ устида ўлтириб олиб нукул:

— Сандиғинни ким олса, сотаман,— деб турган эмиш. Бола қулоқ солмай ўтиб кетмоқчи экан, қулогига қайта-қайта ҳалиги овоз кираверибди. Қарамай деса, қарагиси келармиш, олмай деса, олгиси келаверибди. Кейин ҳеч бўлмагач, «бор-е, шу сандиқни ҳам оламан-да, уйга олиб бораман», деб сандиқчининг олдига бориб:

— Сандиғингиз неча пул?— деб сўрабди. Сандиқчи нархини айтган экан, ёнидаги пулига уни сотиб олиб, уйига қараб жўнабди. Йўлда кетаётса, бир чол:

— Болам, сандиғингни бер,— дебди. Бола:

— Йўқ, бермайман, сандиқ ўзимга керак. Бунни уйга олиб бориб, кейин ўтин териб келиб сотиб, пулига дон-дун олиб сандиққа солиб қўяман. Бўлмаса, очликдан ўлиб қоламиз,— деб кўнмабди. Чол яна:

— Болам, сандиғингни бер, агар текинга бергинг келмаётган бўлса, сота қол. Қани айт-чи, қанча берай,— дебди. Бола, «йўқ, бермайманам, сотмайманам», деб қадамини тезлатиб уйи томон юра бошлаган экан, оёқларн чалишиб-чалишиб, юролмай қолибди. Бирдан отасининг: «Болам, хотамтой бўл»,— дегани эсига тушиб: «Яна элдан чиқиб қолмай, кел, сандиқни берсам, бера қолай. Онамга бир гап қиларман»,— деб орқасига қайтиб чолга:

— Сандиқни ола қолнинг,— дебди. Чол хурсанд бўлиб, болага пул берган экан, бола:

— Йўқ, пул керакмас!— деб туриб олибди. Шунда чол:

— Бўлмаса, сандиқни очамиз, ичидан нима чиқса, сенга бўлсин, — дебди. Бола рози бўлибди. Сандиқни очиб қарашса, ундан бир ёл чиқибди. Ёлни олдида бир ёзувлик қоғоз бор эмиш. Қоғозни очиб ўқишса: «Кимда-ким шу бир тукка эга бўлиб, бошига мушкул

иш тушса, уни сал тутатса, мен устимда зарбоф тўн, олтин ёй, шамшир қилич билан пайдо бўламан. Зарбоф тўнни кийса — подшо бўлади, қўлига олтин ёйни олса — ҳар қандай овнини беради, қилични қинидан чиқарса — биркам қирқ газ узайиб, тигинга душмани қулайди»— деб ёзган эмиш. Шунда чол:

— Болам, гапимни яхшилаб эшит. Мен сени синмоқчи бўлиб, сотиб олган сандиқларингни сўраб олдим. Сен уларни менга сотмай, шунчаки бердинг. Шу билан отангинг биринчи насиҳатини бажардинг. Энди иккинчи-учинчиларига эҳтиёт бўл, бахтсиз бўлмайсан. Ҳали бошингда жуда кўп мушкул ишлар, ҳаётингда машаққатли дамлар кўп. Сен эҳтиёт бўлиб, отанг айтганларига амал қилсанг, бахтинг очилиб, дунёдаги энг бахтли одам бўлиб етишасан,— дебди. Кейин:— Кучук билан мушук ёмон кунларингда сенга кўмакдош бўлишди, манави қил сенга бахт-саодат, омад келтиради, уни эҳтиёт қил, қўлингдан чиқарма,— дебди. Чол шундай деб кўздан ғойиб бўлибди. Бола унинг қаёққа кетганини билмай қолибди.

Бола қилни маҳкам ушлаганича, уйига келибди. Онаси бошини кўтариб:

— Болам, айтганларимни олиб келдингми?— дебди. Бола:

— Онажон, кўзингизни каттароқ очинг, мен бир нарса олиб келдим. У бизни боқади, кийинтиради. Истасангиз мени подшо, сизни подшонинг онаси қилади, сўзимга ишонаверинг,— дебди.

— Қани, кўрай-чи, нима экан истаса боқиб, истаса кийинтирадиган, истаса подшо қиладиган нарса?— дебди онаси. Бола қўлидаги қилни кўрсатиб: «Мана у», — дебди. Боланинг қўлидаги битта қилни кўриб, онаси: «Бечора болам ақлдан озибди, бўлмаса, битта қил одамни подшо қилиб, очни — тўқ, юпунни бут қилармиди»,— деб ўйлаб, ҳушидан кетиб, шу кўзини юмганича ўзига келмай, оламдан ўтибди. Бола дод солибди, мушук миёвлабди, кучук ҳурибди. Бола йиғлабди-сиқтабди, онаснини ўзига келтиролмабди. Ўзи куйиб, ўзи ёниб, чарчаб ўхлаб қолибди. Тушига ҳалиги чол кириб:

— Болам, тур ўрнингдан. Чўнтагингдаги қилни тутат, от етиб келади, онангни мушук билан кучукка қолдириб, йўлга чиқ. Қунчиқар томонга қараб кетаверсан, йўл оғир бўлиб, қийинчилкларга бардош

бера олсанг, ҳидласа онанги тирилтирадиган гулни топасан,— дебди. Бола уйғониб кетиб ҳайрон бўлибди, таваккал, нима бўлсаям ҳидласа тузаладиган гулни топиб келиб, онамни тирилтираман, дебди-да, отнинг қилини тутатибди. Шу пайг орқасидан отнинг кишнагани эшитилибди. Кучук чопқиллаб ташқарига чиқиб, отни кўриб эгасига хабар қилибди. Бола ташқарига чиқибди. Қараса, эгарига тўн ташланган, эгарнинг бир ёнига қилич осилган бир қорабайир от ер тепиниб турган эмиш. «Минсанг осмонга оlib чиқаман, истасанг қушдан тез учаман, шамолдан ўтаман»,— деб гижинглаб турганмиш.

Бола мушук билан кучукка: «Мен келгунча онамни қўриқлаб, ҳеч кимга олдирмай, шамолга едирмай, пойлаб турларинг»,— деб отга минибди-да, ёйни елкасига осиб, қилични белига тақибди, тўнни кийиб, отнинг бошини кунчқар томонга қаратар экан, унга қамчи урган бўлибди. От ўқдек отилиб, йўлга тушибди. Бола отда кетаверибди, кетаверибди. Орадан бир неча кечакундуз ўтибди. Бир жойга етгач, отини садақайрағочнинг шохига боғлаб, бир оз дам олмоқчи бўлибди. Кейин қорни очганини билиб, елкасидаги ёйни олиб, осмонда учиб кетаётган ўрдаклар тўдасига қаратган экан, ёйнинг ўқи бир эмас, иккита эмас, еттита ўрдакни ипга тизгандек қилиб олиб тушибди. Қорни оч эканми, ё ўша пайтда гўштни пишириб ёйиш одат эмас эканми, билмадим, буёғи менга қоронғи, бола ҳамма ўрдакни пок-покиза туширибди. Энди ухлаб бир оз дам олай деса, от безовталаниб, уни ухлагга қўймабди. Уридан туриб, отнинг олдига келиб, унга бир қамчи урибди-да, яна бориб ёнбошлабди. Энди кўзи уйқуга кетган экан, от кишнаб, ер тепиниб уни уйғотиб юборибди. Бола ўридан туриб, отнинг олдига бориб, «ухлаб, дам олишга қўясанми-йўқми?»— дея икки-уч мартаба қамчи солиб юборибди. Қамчи отга симдай ботибди-ю, аммо жонивор чидабди. Бола қайтиб, жойига бориб ёнбошлаб, энди ухлай деган экан, от жонивор ер тепиб, кишнаб, пишқириб уни яна ухлатмабди. Боланинг баттар жаҳли чиқиб, отга устма-уст бешолти қамчи урибди. От қамчи азобидан инграбди-ю, яна ўзига келиб, жим бўлиб қолибди. Шунда бола жойига бориб, ёнбошлаб, ҳеч нарсадан хабарни йўқ уйқуга кетибди. От кишнаб, ер тепинса ҳам уйғонмабди. Уйғонсаям бепарво кўзини юмиб ётаверибди. От пишқи-

риб, жilовини узиб бир сакрашда боланинг олдига етиб келибди-да, уни тишлаб отиб юборибди. Бола бир жойга бориб тушибди. Уридан туриб: «Хали сенми мени тишлаб отиб юборадиган»,— деб отига қамчи солмоқчи бўлган экан, от кишнаб, садақайрағочнинг тепасига қара, дегандай имо-нишора қилибди. Бола осмонга кўтарган қамчисини ерга туширмай, қайрағочнинг тепасига қарабди. Қараса бир сандиқ турган эмиш, сандиқдан бир нарса чак-чак томаётганмиш. Томчи оқиб тушаётганда пишқириб от болани уйғотиб юбораётган экан. Бола отидан хурсанд бўлиб, урганларига афсус чекаркан, қиличинини қинидан суғуриб сандиққа қараб узатган заҳоти қилич қирқ газ чўзилиб, сандиқни илиб олибди. Сандиқ пастга тушиб ёрилиб, ичидан бир илон чиқибди. Бола илонни ўлдирмоқчи бўлиб, қиличинини кўтарган экан, илон:

— Ҳой, йигит, мени ўлдирма, сенга яхшилик қиламан,— дебди.

— Сен бир заҳарли илон бўлсанг, қандай қилиб менга яхшилик қиласан? — сўрабди бола. Шунда илон:

— Мен илон эмасман, шаҳри Гулистон подшосининг қизи Гулбадан бўламан. Девлар бостириб келиб, ота-онамни ўлдириб, ўзимни олиб қочибди. Девлар подшосининг ўғли хотинликка олмоқчи бўлган эди, кўнмадим. Улдираман деди-ю, лекин кўзи қиймай илонга айлантириб, ўзи билан олиб юради. Қаерга борса, олиб бориб, бирон-бир жойга қўйиб, ўзи овга кетади. Мана бугун ҳам мени бу ерда қолдириб, ўзи овга кетди. Тушган томчилар кўз ёшларим, улар ерга тушгунча заҳарга айланиб, темкан кишини ўлдирмай қўймайди. Борди-ю, сен девлар подшосини ўлдириб, унинг қарамоғидаги одамни илонга, илонни одамга айлантириб қўядиган дуо китобини олиб юрувчи мастонини қўлга туширсанг, мен асли ҳолимга келиб, сенга ўла-ўлгунча яхшилик қиламан. Истасанг, хизматкоринг бўламан, — дебди.

— Девни қандай қилиб ўлдираман. Шу қиличим, ўқ-ёйим биланми, барибир ўлади, аммо яна тирилаверади. Унинг минг бир жони бор деб эшитганман,— дебди бола. Шунда илон-қиз унга қараб:

— Девлар оловдан, парилар сувдан бўлади, дерди отам раҳматлик. Мени илонга айлантирган дев оловдан эмас, тутундан пайдо бўлганлигини айтган эди.

Қачон қарама бирон юртга борса тутунга айланиб ҳеч ерни кўрсатмай қўярди-да, кейин одамларни бўғиб ўлдириб, ўғил-қизларни олиб қочарди. Оловдан ўлгудек қўрқади. Шунинг учун келар вақти бўлди. Келиб мени олади-да, бошқа жойни талашга жўнайди. Орқасидан нзма-из бораверасан. Аммо сездириб қўйсанг, ушлаб олиб сени ҳам ё илонга, ё ҳайвонга айлантириб, бутун умр азобга қўяди. Орқасидан бораверасан-бораверасан, йўлидан қамишзор чиқади. Шу ерда дам олсак, деб айтаман. Менинг гапимни қилмай қўймайди. Шунда сен қамишзорга ўт қўясан. Иложини қилсам мен ҳам бошқа томондан ўт қўяман. Ут ичида қолиб, дев сенга ялинади, илон-қиз шундай деб турган экан, осмонда куюқ чанг-тўзон кўтарилбди. Бўрон турибди, ҳаммаёқ қоп-қоронгу бўлиб, бирпасда тутун билан қопланибди.

— Девлар келаяпти. Сен тез бирон жойга бекни. Мени бўлса сандиққа солиб садақайрағочга чиқариб қўй,— дебди. Бола илон-қизнинг айтганларини қилиб, ўзи оти билан шу атрофдаги ҳандаққа тушиб, бекиниб олибди.

Дев келиб, сандиқни бир қора хабашига орқалатиб, йўлга тушибди. Бола ҳам отига миниб, улар билан нзма-из бораверибди.

Гапни қиз-илондан эштинг. У бир жойга боришганда сандиқдан бошини чиқариб:

— Шу ер чиройли қамишзор экан, хўп десанг, бир оз дам олсак, сўнг йўлга чиқсак,— дебди девга. Дев рози бўлиб, тўхташга буйруқ берибди. Ҳамма қамишзорга жойлашибди. Бу қадимги қамишзор бўлиб, жуда қалин экан. Сувсизликдан қуриб-қақшаб, битта учқун бўлса ловиллаб ёниш ҳолига келган экан. Ўзига жой қилган дев уйқуга кетибди. Шунда илон-қиз аста сандиқдан чиқибди. «Бола қаёқдан ўт қўяркин?»— деб қараб турган экан, ўнг томондан ловуллаб қамиш ёна бошлабди. Илон-қиз вишиллаганича қамишзорнинг чап томонига бориб, ўт қўйибди. Қамишзор ловуллаб ёна бошлабди, аланга бало-қазодай осмонга кўтарилиб, ҳаммаёқни даҳшатга келтирибди. Қамишзор ичида яшовчи ваҳший ҳайвонлар бўкириб, оловдан қочиб, чор-атрофга югура бошлабди. Қамишларнинг часур-чусур ёниши-ю, ҳайвонларнинг бақириб-бўкиришларидан девлар ҳаддан зиёд қўрқиб, энди ўлдик, деб кўринган томонга қочармиш. Бақир-чақирлар ав-

жига чиққанда, бола отида девлар олдига етиб келибди. Боланинг олов ичидан қўрқмасдан куймай-нетмай чиққанни кўрган девлар подшоси:

— Сен кимсан?— деб сўрабди.

— Мен Оловполвонман,— дебди бола.

— Оловполвон бўлсанг, ўтни ўчир. Ҳозир бизни ҳам куйдириб, куйдирилган каллага айлантиради,— дебди девлар подшоси.

— Оловни ўчирмасам нима қилардинг?— сўрабди ундан бола. Қўрқиб, ўтакаси ёрилган девлар подшоси:

— Оловни ўчириб, ўлимдан қутқарсанг, нима сўра-санг бераман, нима қил десанг қиламан, ким бўл десанг бўламан,— дебди дабдурустан. Бола отдан тушиб устидаги либосини ечиб, ўтни уриб-уриб ўчира бошлабди, қиличини олиб қуруқ қамишларни кесиб, ўт олишини тўхтатишга ҳаракат қилибди. Бошқа томондан илонқиз, бир томондан қора хабаш ҳам тепкилаб-тепкилаб ўтни ўчира бошлашибди. Шундай қилиб, учовлон ҳаракат қилиб, ўтни ўчириб девлар подшосини сақлаб қолишибди. Девлар подшоси:

— Шу кундан бошлаб сен менинг хўжамсан. Нима юмуш-ишинг бўлса буюравер,— дебди. Бола:

— Ёнингдаги илонни асл ҳолига келтир,— дебди.

Дев:

— Бу менинг қўлимдан келмайди. Ҳамма иш қўлидан келадиган, оқни қора, қоранн оқ, тошни кесак, кесакни тош қила оладиган, сувни тескари оқизиб, тегирмон тошини орқасига айлантира оладиган мастон-кампиргина бу ишни қила олади.

— Мастон-кампир қаерда, топ-да, илонқизни ўз ҳолига келтир,— дебди бола ўжарлик билан. Дев:

— Ҳозир,— деганича қўлтиғидан бир қилни юлиб олиб, «пуфф» деб осмонга учуриб юборибди. Қил осмону фалакка кўтарлиб, йўқ бўлиб кетибди. Орадан бир чой қайнагунча вақт ўтмай мастон-кампир етиб келиб:

— Хизмат, хўжам! — дебди девга. Дев:

— Шу пайдан бошлаб мен сенга хўжа, сен менга қул эмассаи. Манави Оловполвон сен билан менга хўжа, биз унга қулмиз, ҳозироқ унинг айтганини қил,— дебди. Мастон-кампир ўзини девлар подшосининг бу гапини тушунмаганга олибди. Шунда Оловполвон:

— Тез бўл, анави илонни асл ҳолига келтир. Бўл-

маса бир пуфлаб, ҳаммангни ёндириб юбораман,— дебди. Бу гапдан девлар подшоси қўрқиб кетиб:

— Тез бўл, яна Оловполвон олов қўйиб юбормасин. Ҳозиргина зўрға қутулиб қолдик, унинг даҳшатидан,— дебди. Шунда кампир, «Мен ҳозир» деганича қўлтигининг тагидан алвасти китобни олиб, бир нарсалар деб гудурлабди-да, илонга қараб куф-суф дебди. Бир пайт илон аста-секин пўст ташлай бошлабди. Йигит қараб турса, бир қиз пайдо бўлибди. Ҳусн-жамолда, қадди-қоматда, шарм-ҳаё ва муомалада ҳали унақасини кўрмаган экан, бошидан ҳуши учиб, ақлн шошиб нима дейишни ҳам билмай қолибди. Шунда қиз:

— Ассалому алайкум, мард йигит,— дея қирқ кокилинн шалоладек ёзиб, таъзим қилибди. Бола:

— Вассалом, — дея олибди, холос. Анчадан кейин бола ўзига келиб, мастон билан девлар подшосига қараб:

— Энди менга ҳидласа ўлик тирилтирадиган, касал бўлса тузатадиган, ёшни қари, қарини ёш қиладиган гиёҳни топиб берсанглар, — дебди. Боланинг гапидан девлар подшоси терак бўйи сакраб тушибди, мастон-кампир вой-войлаганича ерга ётиб олибди. Кейин девлар подшоси:

— Бу жуда қийин иш. Уни олиш учун етмиш кечаю етмиш кундуз йўл босиб ўтиш керак бўлади. Унга сен етолмайсан. Жавоб берсанг, мен борсам, майли, оғир бўлмасин, мени ўлимдан сақлаб қолганинг учун сенга ўша гулни келтириб берай,— дебди. Шунда бола:

— Йўқ, ўзим бораман. Сен шу ерда қоласан,— дебди. Бу гапдан кампир ҳам эриб кетиб:

— Мард бола экансан, шунчалик қийин йўлга ўзим бораман, дедниг. Шу мардлигингга тан бериб, сени ўзим бошлаб бораман, — дебди. — Бунинг учун менга уч кунга жавоб берасан. Уч кунлик овқат тайёрлаб, уйимдан хабар олиб келаман, — дебди. Бола жавоб берибди. Бола, уч кун бекор ётамузи деб, ечиниб ташлаб, ёнига ҳалиги қизни, девларнинг подшосини ҳам олиб, оловдан қочиб келиб буларга келиб қўшилиб, хизматингизга тайёрмиз, деб турган бўри, тулки, йўлбарс, шер, айиқларни қўшга қўшиб, «чўҳ» деб қамишзорни ҳайдай бошлабди. Бекорчидан ҳамма безор деганларидек, ҳаммалари йигитга ёрдамлашибди. Қамишзор бўлиб ётган жойда боғу роғлар пайдо бўлибди. Ҳадеганда кампир келавермабди. Бола энди кампир мени алдаб кетди, деб турган экан, кампир етиб келибди.

Бола қўшга қўшиб ишлатган ҳайвоиларга жавоб бериб, кампир билан сафарга отланмоқчи бўлиб турган экан, девлар подшоси:

— Биз турганда сиз олиб борсангиз айб бўлади. Сиз шу ерда манави қиз билан қолиб, бизларни кутинг, момо. Болани ўзим олиб бориб айтган нарчасини топиб бераман,— дебди. Бола ҳам:

— Эй, эна, сиз шу ерда қолиб, мана бу қизга қараб туринг, — дебди. Шунда момо буларга жавоб бериб қачон қайтиб келишларини ҳам сўраб билиб олибди. Дев болани елкасига миндириб, осмондаям, ердаям тўхтаб овқатланиб, етти кечаю-етти кундуз деганда Енар тоққа етиб борибди. Тоғ ловуллаб ёниб турган эмиш. Тоғнинг ёнига бориб, ерга қўнибди-да, болага:

— Мен оловга яқинлашолмайман, буни ўзинг биласан. Шу олов тоғнинг қоқ тепасида бир сенга ўхшаш одам деса одаммас, менга ўхшаш дев деса девмас даҳшатли мавжудод яшайди. Бало-қазоларнинг подшоси у. Олов шунинг огзидан чиқади-да, тоғни ёндириб туради. Ҳозиргача ҳеч ким олдига чиқиб, унга рўбарў бўлмаган. Иложини қилиб унинг олдига чиқсанг, у билан олишиб енгсанг, айтган мақсадингга етасан,— дебди дев. Кейин кампир олиб келган етти қора мол, етти қўй, етти эчки, етти танани қўлтигининг остига жойлаб, болани бир дуо билан узукка айлантриб бармоғига тикибди-да, яна йўлга тушибди. Тоғдан-тоққа сакраб, сойдан-сойга ҳатлаб, гоҳ осмонда учиб, гоҳ ерда югуриб боя айтган жойига етиб борибди. Бола ёнидаги қилни тутатган экан, эгар-жабдуқли, эгарини бошига қилич, ёй-ўқ осилган бир от пайдо бўлибди. Отга миниб девга:

— Мени шу жойда кут,— деб оловли тоққа қараб жўнаб кетибди.

Болани лов-лов ёниб турган тоққа қараб жўнашда қўйиб, гапни унинг уйдан, ўлик онаси билан мушук ҳамда итдан сўранг.

Ит билан мушук ўликни куну туи пойлаб, совуққа олдирмабди, елга елдирмабди. Бир пайт бир тўда сичқонлар уйга бостириб кириб, боланнинг онасини емоқчи бўлибди. Мушуквой улар билан жангга киришиб битта қўймай қириб ташлабди. Кейин бўрилар босибди. Ит улар билан олишиб, бирини ғажибди, бирини қувибди. Шундай қилиб, ит билан мушук боланинг онасини кечаю-кундуз пойлаб, бирови сичқон-кала-

мушлардан сақласа, бошқаси бўри-қашқирлардан сақлабди, уларга едирмабди. Бировни ухласа, бошқаси қўриқлармиш. Эндиги гапни боладан эшитинг.

Бола отда қилчини қўлига олиб тоққа кўтарилибди. Ҳаммаёқдан олов ўраб олиб уни куйдирмоқчи бўлармиш: Бола уёқдан олов келса буёққа ўтиб, буёқдан келса уёққа ўтиб, тоққа кўтарилиб бораверибди. Йўлини аждарҳо тўсибди, уни енгибди, девлар тўхтатибди, уларни шамшири билан ер тишлатибди. Осмондан ўлимтик қушлар ташланибди. Уқ ёин билан уларни қайтарибди. Охири ярим ёинб, ярим куйиб, дев айтган тоғ одамнинг олдига чиқиб борибди. У болани кўриб овоз чиқарган экан, овозига тоғлар тебраниб кетибди. Пуфлаган экан, бола от-поти билан учиб кетибди. Бир қояга зўрга нлиниб омон қолибди. Боланинг бўш келмаслигини кўриб у:

— Ҳой, одамзод, қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган бу тоққа ҳали ҳеч ким юрак ютиб келмаган. Сен биринчи бўлиб келдинг, юракли экансан. Ниятингни айт, яхшилик билан келдингми ё ёмонлик биланми? Аждарҳоним билан қушларимни ўлдирганингдан билдимки, ёмон ниятда келгансан. Мен билан урншасанми, суришасанми, ё савалашасанми?— дебди. Бола:

— Мен ёмон ниятда келмаганман. Онамни тирилтирадиган гиёҳнингдан берсанг бўлган. Айтишларинча, сенда ўлганни тирилтирадиган, кексани ёш, ёшни кекса қиладиган гиёҳ бор экан. Шунни берсанг, мен сенга тегмай орқамга қайтаман. Бўлмаса олишасанми, суришасанми, савалашасанми — мен тайёрман,— дебди. Тоғ одами:

— Бундай гиёҳ борлигини сенга ким айтди? Душман Қора дев айтгандир-да. Айтган гиёҳнинг бор. Аммо мени ўлдириб, ўлигимни тепкилабгина унга эришасан,— дебди. Боланинг жаҳли чиқиб:

— Эй, тоғ одами, яхшиликча кўнмадинг, энди шартингни айт,— дебди. Тоғ одами:

— Шартим шуки, олишамиз, ким-кимни енгса айтган бўлади. Сен менинг ўлигимни тепкилаб, айтган гиёҳингни олиб кетасан. Мен енгсам, гўштингни кабоб қилиб ейман,— дебди. Икковлон олишадиган бўлишиб, тоғдан пастга тушишибди. Торнинг этагида етти кечаю етти кундуз олишиб, бир-бирини енголмабди. Буларни олишишда қўйиб гапни мастон-кампир билан қиз ҳамда девдан эшитинг. Дев болани ёнар тоғнинг

яқинида қолдириб, қизнинг олдига қайтиб кетган эди-ку. Бориб қизни олиб Қўҳиқофга кетмоқчи бўлиб турганда, мастон-кампир:

— Дўстликка хиёнат қилиб бўлмайди. Ахир, сени оловдан сақлаб қолди, сен эса уни узоқ сафарга олиб бординг. Икковнинг дўстлашинг. Энди бўлса хиёнат йўлнга ўтмоқчисанми?— деб уни койиб берибди. Қиз ҳам:

— Момом тўғри айтадилар. Бу қилмишингни ҳеч ким кечирмайди. Авваламбор дўст-биродар бўлма эди, бўлдингми, унга хиёнат қилма-да, — дея у ҳам девга танбеҳ берибди. Дев:

— Булар тўғри айтади, унга хиёнат қилсам бўлмас, қаҳрига олса осмонга чиқсам оёғимдан, ерга кирсам қулоғимдан тортиб олиб, адабимни бериб қўяди бу одамзод, — деб ўз ёмон фикридан қайтибди. Бир кун кутишибди, икки кун кутишибди, етти кунда ҳам боладан дарак бўлмабди. Шунда қиз:

— Момо, ўғлингизга бир гап бўлганга ўхшайди. Менга бир қилич-қалқон, бир от топиб берсангиз, бориб хабар олиб келсам, — дебди. Шунда момо:

— Болам, тўғри айтасан. Бориб хабар олганинг маъқул. Аммо бир ўзингни юбормай, мен ҳам бирга бораман,— дебди. Дев:

— Мен йўлни кўрганман. Мен турганда сиз аёлларга боришни ким қўйибди,— деган экан, момо:

— Йўқ, бу гал биз борамиз. Сен манави боққа қараб, биз қайтгуинимизча уни яшнатиб турасан,— дебди-да, бир-икки дуо билан қизни атир гулга айлантириб, чаккасига тақиб олибди. Ҳассасини дўқиллатиб ҳар қадам ташлаганда бир тош-бир тошга ташлаб жўнаб кетибди. Гоҳ ерда пиёда, гоҳ паланг отида осмону фалакда учиб, бу ҳам Ёнар тоққа етиб борибди. Қараса, икки киши — тоғ одами билан бола олишиб ётган эмиш. Тоғ-тошлар талқонлашиб, ер шудгор бўлиб кетибдики, бир-бировини енголмасмиш. Кампир чаккасидаги гулни олиб, яна бир дуо билан гўзал қизга айлантриб, икковлон олишаётганларнинг олди-га боришибди-да, уларга салом беришибди.

Буларни кўриб полвоилар олишишдан тўхтаб, саломларига алик олишибди. Шунда қиз:

— Огалар, ниманн талашаяпсизлар? Бўлиша олмаган нарсаларинг бўлса мен бўлиб берай. Ҳамма ўз иши билан банд бўлиб, омон-омон яшаса-ю, сизлар

кап-катта одам бўла туриб, бекордан-бекорга олишиб, тортишиб ётсанглар-а. Уят эмасми?— дебди. Бу гап тоғ одамига ҳам, болага ҳам таъсир қилибди. Момо ҳам:

— Қизим тўғри айтади. Уртада талашадиган, бўлишадиган нарсаларинг бўлмаса, нима қиласизлар бекордан-бекорга бир-бировингни хафа қилиб?! Дўстлашиб, иноқлашиб, бир-бирларингга ёрдам қилиб яшасаларинг бўлмайди!— дебди. Бу гапдан тоғ одами ҳам, бола ҳам эриб кетишибди. Тоғ одами:

— Мен олишмас эдим-у, мана бу одамзод қўймадн-да, ёшни қари, қарини ёш, касални соғ, ўлганни тирилтирадиган гиёҳларингдан берасан, деб мени ҳолижонимга қўймапти-да, — дебди. Шунда қиз:

— Вой, оға-ей, керак бўлибдики олдингга шу гиёҳингдан бер, деб келган-да. Зарур бўлмаса шунча узоқ жойдан келармиди. Шу гиёҳингдан оз-моз берсанг камайиб қоласанми?— дебди. Шунда тоғ одами:

— Қани, айтсин-чи, гиёҳ нимага керак бўлган экан?— деган экан, бола:

— Онам ўлиб қолган. Мен унинг ўлишини истамайман. Чунки онамдан бошқа ҳеч кимни йўқ. Бир мушугим билан бир кучугим бор, холос,— дебди. Тоғ одами:

— Шундай демайсанми? Онангга бўлса бераман,— дея Ёнар тоққа чиқиб кетибди. Боланинг: «Мен ёлғизман, кучугим билан мушугимдан бошқа ҳеч кимни йўқ», деган сўздан қиз аразлаб кетиб қолмоқчи бўлган экан, момо: «Болам, бу гапни йўлига айтди, кўрмадингми, у сени яхши кўриб қолган. Кўзи билан сўзи айтиб турибди. Ундай қилма», — деб қизни йўлдан қайтарибди. Шу пайт тоғ одами бўкирганича етиб келибди-да, ўзини тоғу тошга уриб йиғлай бошлабди.

— Ёшни қари, қарини ёш, касални соғ, ўлганни тирилтирадиган гиёҳимни ўгирлаб кетишибди! Ҳа, ўгирлаб кетишибди! Мен ким ўгирлаганини биламан, биламан!— деб ерга думалаб, тоғ-тошга ўзини уриб додлайверибди. Момо:

— Ким олиб кетибди?— деган экан, тоғ одами:

— Ажам мамлакатининг сеҳргарларни олиб кетган. Ажамни эса Тажам дарёси билан етмиш икки тоғ-тошлари тўсиб ётади. Мен уёққа боролмайман, борсам ҳам гиёҳни олиб келолмасман. Подшоҳнинг саройини сон-саноксиз шерлар, арслонлар, айиқлар, бўрилар кўриқлаб ётади. Улардан ўтсанг, сон-саноксиз аждар-

...а йўлиқасан. Улар бир зумда ишингни ҳал қўйишади. Тамом, энди гиёҳни қайтариб олодав. Илдиздан униб чиқиб гуллаши учун яна йил керак бўлади,— деб додлаганича додлайведи. Кампир, қиз, бола ҳам ҳайрон бўлиб, инмаларини билмай, бошлари қотиб қолишнбди. Шунда бола девни чақирайлик-чи, бир маслаҳат чиқар деб, девнинг тутатқисини тутатибди. Дев етиб келибди. Ҳамма гапни дсвга айтибди. Дев:

— Бир иложини қилармиз,— дебди. Кейин:— Монг билан қизни уйингга элтиб қўяй. Булар бу ерда қийналиб қолишади. Икковимвз бориб, бир иложини қилармиз, — дебди. Шунда тоғ одами:

— Йўқ, сен иложини қилолмайсан. Менинг бир дев ошнам бор. Бу ишни ўша бажара олади, холос. Бошқа ҳеч кимнинг қўлидан келмайди. Оти Довдир дев. Шуни чақириб келаман,— деб Енар тоққа чиқиб кетибди. Бола дев дўстига қараб:

— Ошна, сен буларни олиб бизникига жўнаб кетавер. Бориб онамга қараб тур. Мен буёқда бўлиб, экин-тикинлар ҳам қолиб кетди. Уйимнзга бориб, сен экин-тикинларга қара, момом билан синглим онамга қарашсин. Мен гиёҳни олиб бораман. Кучугим билан мушугимни хафа қилманглар, — дебди. Дев, хўп бўлади, деб момо билан қизни икки олмага айлантириб, қўлтиғининг тагига қистириб, боланнинг юрти қайдасан, дея жўнаб кетибди. Эндиги гапни тоғ одамидан эшитинг. Тоғ одами бир девни етаклаб келиб, болага рўбарў қилибди-да, унга:

— Мен шу одамзод билан икки аёлнинг таънасию унинг мардлиги сабабли дўст тутиндим. Ажам мамлакатига олиб борасан-да, қарини ёш, ёшни қари қиладиган, ўлганни тирилтирадиган, касални тузатадиган гиёҳни олиб берасан, — дебди Дев унга жавобан:

— Ҳой, одамзод, кўзларингни чирт юмиб ол, агар очиқ турса кўзларинг қамашиб, бошнинг айланиб, ерга қулаб тушасан. Мен сенга кўзингни оч деганимдагина очасан. Учиб бораётганимда сенга ўнг томондан қарасам, гўшт бер, чап томондан қарасам, сув бер,— дебди. Бир маҳал осмоннинг еттинчи қаватида учиб кетаётиб.— Ҳой, бола, устиндамисан ё қулаб тушдингми?— дебди. Бола:

— Хотиржам бўл, устингдаман,— дебди. Дев хотиржам булутлар узра учиб кетаверибди. Бир пайт дев

ўяг томонига қарабди. Бола оғзига гўшт тутибди. Бир жойга борганда чап томонига қарабди, бола сув тутибди. Яна бир жойга борганда дев пастлаб:

— Ҳой, бола, кўзингни оч!— дебди. Бола кўзини очибди. Дев: «Пастга қара»,— дебди. Бола пастга қараса, ер қип-қизил қон эмиш. Дев: «Нима кўряпсан?»— деб сўрабди. «Қип-қизил қон кўряпман»,— дебди бола.

— Қон эмас, олов, — дебди дев. — Тагин бир олов тоғдан ўтаяпмиз, — дебди. Яна бир жойга борганда пастлаб: «Кўзингни оч»,— дебди. Бола кўзини очиб ерга қарабди. «Нима кўраяпсан?»— деб сўрабди дев. «Кўм-кўк далани кўраяпман»,— дебди бола. «Дала эмас, сув»,— дебди дев. Кейин: «Яқинлашаяпмиз»,— дебди. Учиб-учиб яна бир жойга етганда: «Ҳой бола, кўзингни очиб, ерга қара»,— дебди. Бола кўзини очиб ерга қарабди.

— Ут босиб ётган ўтлоқ майдонни кўряпман,— дебди.

— Утлоқ эмас, ўрмонзор. Шу ўрмонзордан ўтгандан кейин яланглик келади. Шу жой Ажам диёри,— дебди дев. Кейин яна учиб-учиб бир жойга бориб қўнибди. Девнинг даҳшатидан дарахтларнинг барги тўкилиб, ер ёрилибди, ариқларнинг суви бир-бирига қўшилиб кетибди. Дев ерга қўнибди-да:

— Тоғ одами айтган, сен ахтариб юрган гиёҳ шу ерда. Ажам диёрининг сеҳргарлари уни тоғ одами сен билан пастда олишаётганинда ўгирлашган. Мен ҳам бошқа ёққа кетган эдим. Гиёҳни подшо шундай қўриқлайдики, у ерга пашша ҳам учиб ўтолмайди. Аммо ҳийла-найранг билан кирса бўлади. Мени итга айлантириб, ўзингни мушукка айлантириб бўйнимиз, думимизга қўнғироқ улаб, шер, арслон, айиқлардан ўтиб оламиз. Дев, аждарҳолар билан олишамиз. Мен девларни маҳв этсам, сен аждарҳоларни ўлдирасан,— дебди. Бола девнинг гапидан суюниб кетибди. Кейин унга қараб:

— Сени итга, ўзимни мушукка айлантириб, биримизнинг бўйнимизга, биримизнинг думимизга қўнғироқ боғлаб ўлтирамизми. Менинг битта кучук билан мушук ошнам бор. Чақирсам дарров етиб келишадими,— дебди. Дев:

— Чақир бўлмаса,— дебди. Бола қилни тутатибди. Устида кийим-кечак, асбоб-анжом, қурол-аслаҳа билан тулпор от етиб келибди. Бола отга қараб:

— Бизникага бориб, итим билан мушугнми олиб келасан. Ерга тупураман, тупугим қуригунча олиб келсанг олиб келганинг, бўлмаса мендан ажралиб қоласан, — дебди. От кишнаганича турган жойида кўздан ғойиб бўлибди. Гапни боланинг уйдан эшитинг.

Мастон момо қизни олиб, девга миниб боланикига борибди. Мушук билан ит уларни ичкарига қўймабди. «Биз боланинг олдида келдик. У ёшни қари, қарни ёш қиладиган касални тузатиб, ўликни тирилтирадиган гиёҳни излаб кетди,— деб, унинг белгиларини айтишгандан кейингина ичкарига қўйишибди. Кейин дев экин-тикинга қарай бошлабди, қиз уй юмушларини бажариб, мастон-кампир боланинг жонсиз онасининг танаши ёнида мушук билан итни олиб, пойлаб ўлтираверибди. Бир пайт эшикнинг олдида отнинг кишнаган овози эшитилибди. Мушук чиқиб, қайтиб кириб:

— Эшикнинг олдида битта тулпор турибди,— дебди. Кучук чиқиб, у ҳам ҳайрон қайтиб:

— Мушукнинг гапи рост экан. Битта бежоглик от кишнаб, ер тепиниб турибди. Нима деяётганини билмадим,— дебди. Мастон момо чиқиб, отнинг тилини билар экан, гаплашиб кирибди-да, мушук билан кучукка қараб:

— Сизларни олиб кетгани келибди. Эгаларинг олиб кел, деб юборибди, нима қиласизлар, борасизларми — йўқми?— деган экан, мушук билан кучук, борамиз, борамиз, дейишибди. От уларни миндириб, бирпасда кўздан ғойиб бўлибди.

Бола кутиб турган экан, от мушук билан кучукни миндириб етиб борибди. Кучук билан мушук бола билан кўршиб хурсанд бўлишибди. Бола мушукнинг бўйнига қўнғироқ, кучукнинг думига ноғора боғлабди-да, Ажам шаҳрига қараб қўйиб юборибди. Мушук бўйнидаги қўнғироқ шундай чалинибдики, еру-кўкни шақир-шуқур босиб кетибди. Ит бўлса ҳар сакраганда думидаги ноғора чалиниб, тарақа-туруғи қулоқларни қоматга келтирибди. Ажам подшосининг пойлоқчилари — арслонлар, шерлар, айиқлар шовқин-сурондан, бало-қазо келди, қочмасак шўримизни қуритади, деб тўрт тарафга қараб қочишибди. Бола билан дев уларнинг орқасидан қувиб, кўринганини тутиб олиб ўлдириб, қўрқоқларини қўлга тушираверишибди. Ажам подшосининг девлари билан аждарҳолари уйқуда экан. Улар

етти кун ухлаб, етти кун уйгоқ бўлишар экан. Кимда-ким уйқуларни бузса, тириклай ютишар экан.

Мушукнинг қўнгироғи, кучукнинг ноғора овози уларни уйғотиб юборибди. Дев қараса, бирови каттароқ, бирови кичикроқ махлуқ қўнгироқ билан ноғора чалиб сарой томонга қараб келаётган эмиш. Овози оламни тутармиш. «Ақлинг борида қочиб қол. Шунча пойлоқчи арслонлар, шерлар, айиқлар бас келмаган махлуқларга биз бас келармидик»,— деганича бирови сойга қочибди, бошқаси ғорга кириб кетибди, яна бирови осмонга кўтарилибди. Бола билан дев уларни қувиб, кўринганини ушлаб, ушлаганини ҳар томонга отиб кетишаверибди. Девлардан қутулиб туришган экан, шовқин-суронга аждарҳолар уйғониб: «Ким уйғотди, тинчлигимизни бузганини тириклай ютамин!»— дейишиб улар ҳам ғорларидан чиққан экан, шовқин-сурон кўтариб ўзларига қараб келаётган бирови каттароқ, яна бирови кичикроқ махлуқни кўриб қўрқиб кетишибди. «Шерлар, айиқлар, бўриларни бир ёқлик қилган, девларга бас келган бу махлуқларга биз бас келармидик. Эсинг борида қочиб қол», деб улардан бирови ғорга кириб кетибди, бошқаси тоққа чиқиб кетибди. Бола билан дев уларни қувиб ушлаганини ушлаб, қочганини қувиб тозаям бошлаб таъзирини берибди. Қўлга тушган аждарҳолардан бировини гапга тутиб, Ажам подшосининг хазинасини сўрашибди.

— Подшонинг саройида,— деб жавоб берибди у.

— Кетдик,— дебди бола. Бола, дев, мушук, кучук саройга қараб кетишибди. Саройга киришса, ҳамма ухлаб ётган эмиш. Подшо ҳам, бола-чақалари ҳам, хизматкор, ҳатто қоровуллар ҳам. Бу жойда подшо уйғоқ бўлса ҳамма уйғоқ, подшо уйқуда бўлса ҳамма уйқуда бўлар экан. Бола бошлиқ мушук, кучук, дев қўрқмасдан саройга кириб, подшонинг хонасига бориб қолишибди. Подшо маст ухлаб ётган эмиш. Қўлида олтин калит турган эмиш. Дев болага:

— Калитни тез олиб, сандиқни очиш керак. Сеи излаган нарса сандиқнинг ичида,— дебди. Бола мушукка калитни олишни буюрибди.

Мушук аста бориб подшонинг бурнига думини теккизган экан, у акса урибди. Қўли ёнига осилиб тушибди-да, калит қўлидан чиқиб кетибди. Мушук калитни олиб болага берибди. Дев болага қараб:

— Энди тез хазинага бор-да, сандиқни оч, ичидан

излаган нарсангни олиб, тез қайт. Мен шу жойда пойлаб тураман. Подшо уйгонса уни тўхтатиб тураман,— дебди. Бола мушук билан кучукни олиб хазинага кирибди. Хазинада тилла, марварид, зару зеварлар тўлиб-тошиб ётган эмиш. Бола ҳеч нарсага қарамай, энг тўрдаги тилла сандиқнинг олдига бориб калитни унга солибди. Сандиқни очса, ичида яна сандиқ эмиш. Уни олиб очса, яна сандиқ чиқибди. Биринчидан бири, бири ичидан бири— еттита олтин, кумуш, темир, пўлат, тахта сандиқларни бирин-кетин олиб энг охиргисини очса, бир гул илдизи билан турган эмиш. Бола унинг бир уругини еган экан, кексайиб чол бўлиб қолибди. Енларида соқол-мўйлови ўсган кекса одамни кўриб, бу ўзимизнинг Абдулла акамиз эмас, деб мушук кўзини ўйиб олай дебди, кучук тишлай дебди. Бола:

— Ахир, бу менман-ку, боламан-ку,— деган овозидан таниб, жим бўлишди. Бола гул уруғидан бир донасини еган экан, ўз ҳолига келибди. Гулни қўйнига солиб ташқарига чиқиб, девнинг олдига келибди. Шу пайт подшонинг уйғонадиган вақти келиб, у уйқудан уйғониб қолибди. Подшонинг:

— Кимсизлар ўзи? Бу ерда нима қилиб юрибсанлар? Қандай қилиб кириб қолдиларинг?— деб бақириб-чақиршига ҳамма уйғониб, қий-чув бошланиб кетди. Дев подшонинг олдига бориб:

— Мен девларингни енгган фалон дев бўламан. Аनावи турган менинг хўжайним. Еиндагиларидан бири машҳур шерларинг билан арслонларингни енгиб, бу ерга кирган Мушук тўра, анавиниси эса, аждарларингни тум-тарақай қочирган Кучукбек афанди бўлдилар. Биз сенинг сеҳргарларинг ўғирлаб олиб, хазинага беркитиб қўйган ёшни қари, қарини ёш, касални соғ, ўлганини тирилтирадиган гиёҳни излаб келиб, уни олдик. Энди жўнаб кетаётимиз,— дебди. Подшо олдиниغا, ундай қиламан, бундай қиламан, деб уларни кўрқитмоқчи бўлибди. Кейин ялинишга ўтиб:

— Бутун подшолгимни ол, хазинадаги заримни, барча бойлигимни ол-да, менга қўлингдаги гиёҳни қолдир, деб ялиниб-ёлборибди. Дев:

— Тинч бўлай, бекорга ўлиб кетмай, десанг, бизга жавоб берасан, бўлмаса сарой-паройнинг билан кўкка отиб, чил-парчи қилиб ташлайман,— дебди. Подшо нима қилишини билмай турган экан, мушуквой кўзини

олайтириб, белни букчайтириб подшога ола қараш қилибди. Кучук бўлса, бир вовуллаган экан, подшо бошлиқ ҳамманинг юраги қиндан чиқиб кетаёзибди. Подшонинг буларга жавоб беришдан бошқа иложи қолмабди.

Бола кучук билан мушукни дев билан жўнатиб юбориб, ўзи қилни тутатган экан, тулпори етиб келибди. Отни миниб, йўлга чиқибди. Йўл юриб, йўл юрса ҳам оз эмас, мўл юриб, неча-неча тоғу тошлардан, чўлу биёбонлардан, далаю даштлардан ўтиб қишлоғига етиб келибди. Олиб келган гиёҳдан онасининг оғзига солган экан, онасига жон битиб, боласини кўргач, яна ҳушдан кетибди. Бола гиёҳдан бериб яна ҳушига келтирибди, кейин момоси ва келинчак билан таништирибди. Момо ҳам булар билан қолиб, боланинг онаси билан опа-сингил тутинибди. Дев ҳам қолиб, болага деҳқончилик ишларида ёрдамлашиб юрибди. Кучук билан мушук ҳам аслида бошқа-бошқа мамлакат подшоларнинг ўғил-қизлари бўлиб, сеҳргарлар томонида ҳайвонларга айлантирилган экан. Мастон момо буни сезиб, уларни ўз ҳолларига келтирибди. Бола топган-тутганини ўртага ташлаб, уларни бир-бирига топширибди. Тўй қилиб бошларини қовуштириб қўйибди. Юртларингга кетасанларми, деган экан, улар:

— Бизни беш-олти ёшда шу ҳолга солган ота-оналаримиз қари эди, ўлиб кетишган. Шунинг учун рухсат берсангиз, биримиз ука, биримиз сингил бўлиб, сизлар билан яшасак,— дебди. Боланинг онаси, фарзандим битта эди, энди тўртта бўлди, сингилли бўлдим, деб хурсанд бўлибди. Бола:

— Ўзларинг биласизлар,— дебди. Қизга ўзи уйланиб тўйга-тўй қўшилиб кетибди. Айтишларича, улар ҳаммаси ҳалиям омон-омонда ёшини яшаб, ошини ошаб юришган эмиш.



## ТАНАСИЗ КАЛЛАЮ, КАЛЛАСИЗ ТАНА

Бор экан-да, йўқ экан, оч экан-да, тўқ экан, қадим-қадим замонда қуёш чиқиш томонда бир мамлакат бўлган экан. Мамлакат подшосининг сўраб-сўраб олган қизи бор экан. Қиз ақлдаям, ҳусндаям жуда етилиб, номи оламга ёйилгач, турли подшоликлардан совчилар кела бошлабди. Подшо, қизининг ихтиёри ўзнда, кимга тегаман деса — тегаверади, дея уларин битта-битта қизининг олдига киритаверибди. Қизнга ҳеч бирови ёқмасмиш. Шундай қилиб кундан-кун, ойдан-ой, йилдан-йил ўтаверибди. Кунлардан бир кунни вазир подшога:

— Подшоҳим, бир қошиқ қонимдан кечсангиз, бир гап айтсам,— дебди. Подшо:

— Кечдим, айт,— дебди. Шунда вазир:

— Подшоҳим, қизингиз Қамаройнинг ёши бир жойга бориб қолди, ҳеч кимни ёқтирмайди. Аҳвол шундай кетаверса, ҳеч ким олмай, қари қиз бўлиб ўлтириб қолади,— дебди. Подшо вазирнинг гапидан ўйга толибди.

— Қанн, сен айт-чи, нима қилай? Ёқтирмаса, уриб-суриб эрга берайми?— деб сўрабди. Шунда доно вазир подшога қараб шундай гап қилибди:

— Қизингизни урманг ҳам, сўкманг ҳам. Мен ҳузурга кириб кўнглини билиб чиқай-да, шунга қараб иш тутайлик. Сўксангиз бети қотади, урсангиз эти қотади,— дебди. Подшо вазирининг доно маслаҳатига қойил қолиб:

— Майли, кириб кўнглини сўра, кимга тегаман деса, ярим подшолигимни қўшиб бераман,— дебди. Вазир подшодан рухсат олиб, Қамаройнинг ҳузурга кириб шундай дебди:

— Она қизим, сиз подшоҳимизнинг тилаб-тилаб

олган яккаю-ягона арзандасисиз. Ешингиз ҳам бир жойга бориб қолди. Отангизни ҳам бойлаб бермаган. Қизимнинг тўйини кўриб, куёв кўрсам, мол-дунёимни ҳам бериб, омонатини эгамга топширсам, деяптилар. Келган совчиларнинг бировига тўхталсангиз яхши бўларди,— дебди. Шунда Қамарой вазирга:

— Отамга чиқиб айтгинки, келган совчилар орасида менга муносиб куёв йўқ. Ихтиёримни ўзимга бердиларми, энди буёғига пича сабр қилсинлар,— дея жавоб қайтарибди. Вазир маликанинг жавобини сўзма-сўз подшога отказибди. Подшо:

— Ана, айтмабмидим, у қайсар ҳали-вери ҳеч кимга кўнмайди,— дея вазирга танбеҳ берибди. Подшо билан вазирни маликага эр топишда қўйиб, гапни Қамаройдан эшитайлик.

Қамаройнинг бир одати бор экап. Ҳамма ухлагач, эркакча кийиниб, отхонадаги отлардан бирига минганича шаҳардан ташқарига чиқиб кетар: эрталабгача тоғ-тошларни айланиб, тонг отгач, яна саройга қайтиб, ҳеч нима бўлмагандек жойинга кириб ётиб олар экап. Буни ҳеч ким пайқамас экап. Кунлардан бир кун малика тунда яна отхонага кириб отга минибди-да, ўргатиб олган ити билан мушугини олдига солиб шаҳардан ташқарига жўнабди. Тоғ оралаб кетаётса, бир жойда тўп-тўп тош ётган эмиш. Уни кўрган малика, бу ерда шунча тош нима қилади, деган ўй билан яқинроқ борса, тўда-тўда қўй кавш қайтариб ётган эмиш. «Бу кимнинг қўйи бўлди?»— дея яқинроқ бориб қараса, атрофда ҳеч ким йўқ эмиш, қўйларни оралаб юрган экап, бир пайт най овози эшитилибди. Сўнгра қаршисида бир чўпон пайдо бўлиб, найни шундай чалибдики, Қамаройнинг ҳуши бошидан учаёзибди. Куй тингач, яқинроқ бориб:

— Кимсан, бу қўйларнинг эгаси ким?— дея уни саволга тутибди. Қамарой эркакча кийиниб олгани учун чўпон унинг қиз бола экаплигидан беҳабар ёнига чақирибди-да, бамайлихотирлик билан:

— Қўйлар элники, менинг биттям қўйим йўқ. Узим Қоровой деган чўпон бўламан,— деб жавоб берибди. Шу пайт тонг отай деб қолибди. Қамарой ўрнидан туриб:

— Менинг исмим Қамариддин. Сен яхши одам экапсан, шу қиличимни дўст тутинганимизнинг рамзи сифатида сенга совға қиламан, уни ёнингда олиб юрсанг,

нис-жинс сенга кор қилмайди,— дебди. Қоровой, қилич-сиз ҳам дўст тутинавераман, менга қилич керак эмас, чўпонга таёқдан бошқа нима керак, десаям Қамарой ҳеч қўймай қилични унга ҳадя этибди. Кетиш олдидан Қоровой қиличнинг қандай хосияти борлигини сўраб қолибди. Шунда малика:

— Қиличимнинг хосияти шулки, уни қинидан чиқариб, душманга қараб узатсанг — қирқ газ ёзилади, дўстга қаратсанг — қисқаради, йўқотмасанг, у ҳали сенга бахт келтиради,— дебди-да, жўнаб кетибди. Энди гапни Қоровойдан эшитинг.

Қоровой ота-онаси эрта ўлиб кетган бир етимча бўлиб, одамларнинг қўйини боқиб тирнқчилик ўтказар экан. Ўзи ёшлигидан оғир меҳнатга ўргангани туфайли тозаям кучли, бир урса тоғни талқон, тошни ун қиладиган бўлиб етишган экан. Қилладиган ишн қўй боқиш, сўзлаган сўзи элга ёқиш экан. Қилични олиб, белинга тақиб, қўйини боқиб юраверибди. Қиз ҳар куни кеч киргач, отини миниб, нти билан мушугини эргаштирганча Қоровойнинг қошига келиб, у билан чақчақлашадиган, най чалса, мирнқиб эшитадиган одат чиқарибди. Аммо қиз бола эканлигини, маликалигини ҳечам билдирмабди. Шу тариқа кунлар ва ойлар ўтибди. Подшо билан вазир маликанинг ёши ўтиб, катта қиз бўлиб бораётганидан баттар хавотирга туришибди. Ваҳоланки, Қамарой Қоровой чўпонни ўша биринчи кўрган кундаёқ яхши кўриб қолиб, эрга тегсам шунга тегаман, тегмасам шундай тоқ ўтаман, дея ўзига-ўзи сўз бериб қўйганидан улар мутлақо беҳабар эканлар-да. Аммо, бу қанақа одам экан, олдин синай яхши бўлса тегаман, ёмон бўлса тегмайман деб, бу сирни ҳеч кимга айтмай юраверибди. Қоровой Қамаройнинг қиз болалигидан беҳабар, гап-сўзи жойида, келишган йнгит экан, дея ўзига яқин олиб, дўстлик меҳри кундан-кунга ортиб, у ҳам юраверибди. Кунларнинг бирида бир воқеа бўлибди-ю, Қоровой Қамаройнинг сирини билиб қолаёзибди.

Шу подшоликка қарашли Куруқ тоғ деган тоғда қирқ қароқчи яшар экан. Уларнинг бошлиғи Шамси қароқчи жудаям ёмон, баттол, қароқчиликни ўзига ёшликдан ота касб қилиб олган одам экан. Ундан қўрмаган подшо, элу-элат йўқ экан. Кундузи тоғ ораларида яшаб, ўғирлаган мол-мулкни тақсимлаб, айши-шрат қилиб ётар экан-да, қоронғу тушди дегунча кўча-

га чиқиб, йўлида учраган карвон борми, қишлоқ борми, талон-тарож қилар, одамларидан керагнин олиб, қолганини ўлдириб юрар экан. Биров у билан учрашиб олишишни ёки уришишни ҳатто ақлга сиғдиролмас экан. Хотинлар болалари бешикда йиғласа: «Ана Шамси қароқчи келаяпти!»— деб чўчитишар экан. Одамлар ҳам кеч киргач, сира ташқарига чиқишмас, айниқса қизларини эҳтиёт қилишаркан. Қамаройга подшо отаси, Шамси қароқчи дегани чиқибди, унга худо бас келмаса бандаси бас келолмасмиш, сен ҳам эҳтиёт бўл. Қизларни ўғирлаб жория, болаларни олиб қочиб, қул қилиб олармиш, деб тайинлар экан. Қамарой, ўша кимса минг қароқчи бўлсам, менга ўхшаган одам-да. Одам бўлгандан кейин кучи қаерга борарди. Дев ёки аждарҳо бўлса, қўрқиш мумкин. Ҳайронмай, ўша Шамсининг номини ҳам титраб тилга олишди, дея уни назар-писанд қилмас экан. Кунлардан бир кун Қамарой отасидан рухсат олиб қирқ канизаги билан сой бўйига тушиб ўйин-кулги қилиб ўлтиришган экан, Шамси қароқчининг пойлоқчилари кўриб қолиб, дарров унга хабар етказишибди. Шамси қароқчи йигитларига қараб:

— Ҳаммангга яна биттадан хотин топилди, ҳозир жунаймиз-да йўлини пойлаймиз. Кейин сойдан чиқа бошлашлари билан таппа-таппа босиб, ҳар бирини биттадан отларингга ўнгарасанлар-да, жуфтакни ростлайсанлар. Кейин ўлдирасанларми, зеб-зийнати олиб, чўри қилиб оёқ уқалатасанларми ё хотин қилиб қўйинларингга соласанларми, буёғи ўзларингга ҳавола,— дебди. Қирқ қароқчи қий-чув қилиб, қилнчларини шақир-шуқурлатиб, оч қолган бўри галасидай йўлга тушибди-да, сой ёқасига етиб келгач, сичқонни пойлаган мушукдай қизларнинг йўлига кўз тикиб ётаверишибди. Буларни, қизларни қўлга туширсак, ундай қиламиз-бундай қиламиз, дея шивирлашиб, бир-бирларига гап бермай, йўлга тикилишда қўяйликда, гапни Қамаройдан эшитайлик.

Қамарой ҳали замон кеч бўлишини, кейин танҳо ўзи эркакча кийинини кийиб, отини суриб Қоровойнинг олдига боришини, у билан чақчақлашиб, най овозини эшитиб, роҳат қилишини ўйлаб, ўзича мает бўлиб ўтирган экан, охири қизларга, энди бўлди, кетайлик, дебди. Канизалари, вой, бирам яхши жой экан, яна бирпас турайлик, деб чуғурчуқдай чуғурлашиб,

қалдирғочдай вағир-вуғурлашибдн. Шунда канизаклар ичида бирови бор экан, оти Тұхта экан. Бұйи-басты ұзига ярашиқли, кийган кўйлаги келишикли, гапга чечан, нишга чаққонгина экан, шу канизак Қамаройга қараб:

— Э, маликам, бунақа жойга ҳар уни чиқиб юриб-мизми, қаранг, бирам баҳаво жой эканки, касал бўлса тузалади, қари бўлса ёшаради, яна бир-икки соат юрайлик, маза қилиб дамимизни олайлик, — дебдн. Қамарой ҳамма канизаклари ичида шу канизини ўзгача кўрар экан, унинг гапини қайтаргиси келмабди-да:

— Майли, яна бир-икки соат турсак — турайлик-да, қоронғи тушмасдан уйга етиб олайлик,— дебди. Канизаклари хурсанд бўлишиб яна чуғур-чуғур, вағир-вуғурлашиб, ҳар томонга тарқалиб кетишибди. Уйин-кулгига берилиб, кун ботганини ҳам билмай қолишибди. Қамарой ҳамма канизакларини бир жойга йиғибди.

— Тез бўлинглар, қоронғи қуюқлашмасидан уй-уйнимизга етиб олмасак бўлмайди. Ҳали ота-оналаримиз хавотирланиб, буларга нима бўлдикин, деб юракларини чангаллаб ўлтиришгандир,— дея қизларни шошилтирибди. Ҳамма қизлар йиғиштирилиб, отларига миниб йўлга тушишибди. Ҳеч нарсадан хабарлари йўқ, отлари устида ҳам жим кетмай, бир-бирларига тега-жоғлиқ қилиб, бири қолнб иккинчиси чоғиб, бир-бировини тортишиб, қамчи ўқталиб, ёр-ёр айтишиб, билгани ашула айтиб, билмагани от устида ўйнаб кетаверишибди. Буларни ўйин-кулги билан уйга қайтишда кўяйлик-да, гапни Шамси қароқчидан эшитайлик.

Шамси қароқчи қирқ йигити билан: қизлар қачон ўтар экан, ушлаб олнб мазза қилармиз, дея йўл ёқасида мушукдай пойлаб ётган экан, айғоқчилари келиб:

— Келишяпти, келишяпти. Қирққиз ҳеч нимадан хабарсиз ўзи қилигига маст келишяпти, — дея хабар етказишибди. Бунн эшитган қароқчилар хурсанд бўлишибди. Бир пайт қизлар ғафлат босиб, тўппа-тўғри қароқчилар устидан чиқиб қолишибди. Шамси қароқчининг имоси билан каллакесарлар бирданнга ўринларидан туриб, қнличларини ярақлатиб, тишларини тарақлатиб, кўзларини олайтириб, бақир-чақир билан ўзларини қизларнинг устига отишибди. Канизаклар кўрққанларидан титраб-қақшаб отларидан битта-битта ерга ағанайверишибди. Қамарой:

— Эҳ, аттанг-аттанг, қиличим бўлмади-да. Агар

қиличим бўлганда, бу ярамасларни битта-биттадан тигдан ўтказардим-да, каллаларини отамга совға қилардим,— дея ўкинар экан, қўлидаги қамчиси билан ёнига йўлаган қароқчини солиб-солиб кетаверибди. Қароқчилар: «Вой бошим, вой кўзим, единг манжалақи!»— деб додлаганича отларидан қулайверишибди. Ҳеч қайси қароқчи ўртада туриб қамчини билан ёнига келган қароқчининг бошини ёриб, кўзини чиқараётган Қамаройга яқин йўлолмабди, юраги дов бермабди. Шамси қароқчи Қамаройнинг орқасидан келиб, оти аралаш қамчи солиб юборибди. Қиз то орқасига ўгирилгунича Шамси қароқчи аямай савалай кетибди. Қамаройнинг қонамаган жойи қолмабди. Кейин, оҳ, деб ҳушидан кетиб, отининг бўйнига йиқилганча суяниб қолибди. От жонивор яхши-да. Ҳамма нарсани билади. Эгаси бўйнига йиқилиб, суяниб қолганини пайқаш билан олиб қочибди. «Хай-хуй», деб қароқчилар орқасидан қувнишибди. Аммо Қамаройнинг оти тулпор экан, қувган отларни ўзига етказмабди. Шу қочгандан қочиб, Қоровой яшайдиган тоққа етиб борганда, қароқчиларнинг отлари чарчаб бирин-кетин қолиб кетишибди. «Бизга ўша ҳушидан кетиб, отидан йиқилиб қолганлари ҳам бўлаверади»,— дея изларига қайтишибди. Шамси қароқчи яна бир оз қувиб, Қамаройга етолмаслигини сезгач, у ҳам орқасига қайтибди.

От жонивор Қамаройни тўппа-тўғри қўй боқиб ётган Қоровойнинг ҳузурига элтибди. Қоровой кундўзи кўп юрганидан чарчаб, қаттиқ ухлаб қолган экан. Қамаройни олнб келган отнинг дупир-дупирига ҳам уйғонмабди. От унинг елкасидан тишлаб, тортқилабди. Қоровой уйғониб қараса, тепасида битта от турган эмиш. Отнинг устида ой деса оғзи, кун деса юзи бор, қирқ кокили белидан ошиб товонига тушган бир соҳибжамол қиз ҳушсиз ҳолда отнинг ёлига ёпишиб ётган эмиш. Қоровой даст ўрнидан туриб, чопонини ечиб ерга ёзибди-да, қизни аста отидан тушириб, устига ётқизибди. Тоғ-тошлардаги гиёҳлардан олиб келиб, дарров унинг ёрилган-нетган жойларига малҳам қўйибди. Қамарой ўзига келиб қўрққанидан бақириб, отига қараб чопмоқчи бўлибди. Яна йиқилиб ҳушидан кетибди. Қоровой сув сепиб, уни ўзига келтирибди. Қамарой яна қочмоқчи бўлган экан, Қоровой унинг елкасидан ушлаб: